Маънавият – миллат кўзгуси

Бухорода Маънавият ва маърифат вилоят кенгашининг таъсис конференцияси бўлиб ўтди. Унда кенгаш аъзолари сайланди. Маънавият ва маърифат вилоят кенгашининг раиси этиб вилоят ҳокими С. Ҳусенов сайланди.

Таъсис конференциясида Маънавият ва маърифат республика кенгашининг масъул котиби А.Болиев сўзга чиқди.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Автобусда йўл ҳақи арзонлашди

Самарқанддаги Ўзбекистон – Туркия қўшма корхонасида ишлаб чиқарилган ҳар томонлама қулай, кўркам «Отайўл» автобуслари Фарғона вилояти йўлларида ҳам кўпайиб қолди. «Автосаноаткомплект» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти Қўқон филиали сотиб олган бу автобусларнинг 32 таси Қўқон шаҳри, 18 таси эса Бешариқ, Яйпан, Янгиқўрғон йўналишларида аҳолига хизмат кўрсатмоқда. Янги автобусларнинг чипта нархи автокорхоналар ва хусусий автомашиналар йўл ҳақидан 30-35 фоиз арзон.

Алишер ИБОДИНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири



Пешқадамларга совға

Наманганликларга йил омадли келмоқда. Пиллани дўндирган азаматлар ғаллачиликда ҳам дуруст натижаларга муваффақ бўлишди. Вилоят бўйича ғалла ҳосилдорлиги 31,2 центнерданга етди.

Яхши ишлаганга раҳмат айтиш ҳам жоиз амал. Шу маънода вилоят ҳокимлиги пешқадам ғаллакор ва пиллакорларни Наманган туманидаги «Соҳибкор» жамоа хўжалиги сўлим боғига таклиф этди. Вилоят ҳокими, Ўзбекистон Олий Мажлис депутати Тўлқин Жабборов пиллачиликдаги муваффақиятлари учун Чортоқ ва Тўрақўрғон туманларига биттадан «Тико», ғаллачиликдаги пешқадамлигига соврин қатори Наманган туманига «Дамас» автомобиллари калитларини топширди.

Кўплаб ғаллакор, механизатор ва пиллакорлар, хизмат кўрсатувчи ташкилот ходимларига гилам ва бошқа қимматбаҳо совғалар берилди.

Маҳмуджон ПАРПИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Тил билган — эл билади

Хорижий тилларга бўлган эътибор нафақат қизиқиш, балки ҳозирги замон талаби бўлиб бормоқда. Бу борада Янгиер шаҳрида ҳам амалий ишлар олиб борилмоқда. Шу ерда жойлашган инглиз тилига ихтисослаштирилган лицей-гимназиянинг ўқитувчиси Майрам Нишонова ҳамда АҚШ «Тинчлик корпуси» ўқитувчиси Кристи Диген ташаббуси билан инглиз тили ўргатиладиган лагерь ташкил этилган. Энди бу ерда икки ҳафта давомида иқтидорли ўқувчилар дам олиш билан бирга инглиз тилидан ҳам сабоқ олмоқдалар.

Нилуфар ҚОДИРОВА

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1999 йил 14 август, шанба • № 94 (25.488).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Миллат ва маънавият

Тафаккур ёғдулари

Ўзбекистон Олий Мажлисининг муҳташам залларида доим халқнинг ўзидай улуғворликни кўраман. Йигирма уч миллиондан зиёд халқимизнинг тақдирига дахлдор улкан масалалар ҳал қилинади. Бу нуфузли минбарда тарих, келажак ва бугунимиз хусусида олижаноб қонунлар қабул қилинади. Халқ иродасини ифода этган депутатлар аҳиллигида, дўстона баҳсларида ҳаётимизга ёруғлик олиб кирувчи қонунлар тугал ечимини топади. Ва ҳар гал Олий Мажлис минбарида янграган теран фикрли, мушоҳадаларга бой, дилда умид ва ишонч уйғотувчи режаларга тўлиқ, шиддатли фикрлар туғён урган нутқи билан Ўзбекистон Президенти бизни ҳайратга солади. Келажакнинг ойдин йўлларини яқинлаштиради...

Ўзбекистон Олий Мажлиси XIV сессиясида мамлакат раҳбари сўзлаган нутқ ҳаётийлиги, даъваткорлиги ва таҳлил доирасининг кенглиги билан дилимиздан жой олгани бежиз эмас. Ушбу нутқ рисола шаклида чоп этилди, маънавий мулкимизга айланмоқда. Ушбу асар зукко сиёсатчи, билимдон амалиётчи, жаҳоний фикрловчи давлат раҳбарининг тинимсиз меҳнат-машаққат чекиб, юртига қайишиб, дунё миллатлари интилишларидан ўз халқига ёруғ улгулар, нисбатлар излаб, элни улуғлаб битган йўриқномаси деса жоиздир.

«Биз келгуси асрга ўзимиз билан нималарни олиб ўтишимиз мумкин? Ва нималардан воз кечишимиз даркор? Ўз ҳаётимизни қандай йўллар билан яхшиламоқчимиз?»

Ҳар бир замондошимизга — шу тупроқ нон-тузини тотиб улғайган онгли ватандошимизга шундай савол беради сезгир юртбошимиз. Бу ҳаётқадар салмоқли саволларда олис ўтмиш қаърида порлаб ётган миллат юлдузлари тақдири, фаолияти ибрати орқали онгимизга мунаввалик бахш этади. Бу саволлар жавоби орқали маънавий-ахлоқий қадриятларимиз қатламларини бойитадиган нажотбахш режалар тизими баён этила боради.

«Бугун аёллар ва ёшларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва мавқеини янада юксалтириш ўта муҳим масаладир. Жамиятимизнинг гуллари айнан мана шу аёлларимиз ва ёшларимиздир, десак асло муболаға бўлмайди!»

Аёллар ва ёшлар ҳақидаги бу доно таъриф, самимий эҳтиромнинг боиси — Ватан Президентининг миллат оналари ва келажак эгаси бўлган ёшларга беқиёс меҳр-муҳаббатидир! Аслида бундай меҳр-муҳаббат Ислом Каримовнинг Ўзбекистонга бош раҳбар бўлиб келган кезларидаёқ бошланган...

Мустақилликнинг илк йилларидаёқ таъсис этилган гўзал мазмунли «Соғлом авлод учун» ордени ва шу номдаги халқаро жамғарманинг тузилгани миллатнинг насл-насабини пок сақлаш, янги авлодни тарбиялаб элга қўшувчи оналар меҳнатини муносиб баҳолашдаги эзгу ишларнинг дебочаси эди.

Ундан ҳам аввалроқ, ҳали мустабид қизил империя қиличини қайраб турган бир пайтда юртбошимиз ёшларга катта ишонч билдириб, уларнинг анжумани олдидан бўлган бир учрашув чоғи шундай дегандилар:

«Шундай замонлар, кунлар келадики, дунёда ўзбек мўъжизаси деган иборалар пайдо бўлади. «Ўзбеклар иши» деб, ўзбек болаларини боқиманда деб камситганлар тилларини тишлаб қоладилар. Ўзбек мўъжизасини яратиш сизларнинг қўлингизда...»

Бу ишонч ёшларнинг қалбига ҳаяжон солган, уларни улуғ ишларга рағбатлантирувчи даъват бўлган эди...

Бундай ёшларни ўз қанотига олиш, навқирон қалбларда шижоат ва иштиёқ уйғотиш чинакам халқпарвар раҳбаргагина хос бўлган фазилатдир.

Ён дафтаримдан кўчирма:

1990 йил, 30 январь.

Халқ маорифи вазирининг айтишича, олий ўқув юртларида ўқиётган талаба ёшлардан 42 минги ортиқча эмиш! Энди ўзбек ёшларининг қадамини қирқиб, 42 минг ёшни яна далага – пахтага ҳайдаб чаласавод қилмоқчи бу кремлпараст амалдорлар...

Мана, ўшандан бери бор-йўғи 9 йил ўтибди. Мустақиллик деган қутлуғ тушунча 8 йилдан бери кўнглимизда муқаддас озодлик дарахтидай илдиз отди. Гўзал мевалар берди. Ўзбекистон ёшлари жаҳоннинг мана-ман деган дорилфунунларида ўқиб, билим олиб, жаҳон билан тиллашиб, Ватан таянчи бўлиб қанотимизга кирмоқдалар. Бир ёқда «Камолот», «Умид», ва «Улуғбек» жамғармалари истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаб, улар учун ижод ва фаолиятнинг кенг майдонларини яратиб бермоқда. Ҳар йил ёшларга эшик очаётган янги лицейлар, коллежлар, гимназиялар, янги замонавий ўқув даргоҳлари ёш ақлларни чархлаб, зеҳн булоқларини қайнатмоқда. Ёшларни севган, ардоқлаган эл оғасининг китобига яна кўз ташлайман!

«Жорий йилда ва 2000 йилда республиканинг ҳар бир тумани ва шаҳари замонавий талабларга жавоб берадиган янги турдаги ўқув юртлари билан таъминланиши учун 180 та янги касб-ҳунар коллежи ва 15 та академик лицейни қуриб фойдаланишга топшириш лозим. 2005 йилга қадар биз республикамизда 1611 та касб-ҳунар коллежи ва 181 та академик лицейдан иборат ўрта махсус ва касб-ҳунар ўқув юртларининг замонавий тармоқларини

(Давоми 2-бетда)

Байрамга ҳозирлик

Мамлакатимиз мустақиллигининг саккиз йиллиги байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш Республика ташкилий қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда тегишли вазирлик, уюшма, идора ва ташкилотларнинг раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, мазкур ташкилий қўмита раиси Ҳ. Кароматов олиб борди.

Сўзга чиққанлар халқимизнинг маънавий-миллий қиёфасини акс эттирадиган ушбу байрамни ҳар қачонгидан ҳам юқори савияда ўтказиш, томошалар дастурларини миллий ва умуминсоний ғоялар, истиқлолни, она-Ватанни мадҳ этувчи куй-қўшиқлар билан янада бойитиш зарурлигини таъкидлади. Тадбирлар ўтадиган майдон ва саҳналарни байрамона руҳда безаш, жиҳозлаш, айниқса пойтахтимиз Тошкент кўчаларини янада ободонлаштириш, вилоятлардан келадиган меҳмонларни кутиб олиш ва уларни кузатиб қўйиш масалаларини изчиллик билан ҳал этиш лозимлигига эътибор қаратилди. Бу борадаги ишлар юзасидан мутасадди раҳбарларга тегишли кўрсатма ва топшириқлар берилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Н. Жўраев қатнашди.

(ЎзА)

Истиқлол харитаси

Юртимизнинг сўлим гўшаларидан бири Пайшанба шаҳарчаси биқинида болалар дам олиш маскани жойлашган. Оромгоҳ раҳбари Анваржон Раззоқов Ватан истиқлоли ҳақида шундай деди:

— Кечагидек эсимда, 1991 йил 31 август куни Президентимиз томонидан Ўзбекистон Мустақиллиги эълон қилинди. Шу пайт уйда ўтирган 11 ёшли ўғлим Зайниддин собиқ иттифоқ харитасидаги Ўзбекистон ССР деган ёзувни ўчириб, «Мустақил Ўзбекистон Республикаси» деб ёзиб қўйди. Ўғлимда пайдо бўлган Ватан ҳиссини кўриб беҳад қувондим, кўзларимда ёш қалқди.

Ҳақиқатдан ҳам ўша тарихий кунда Президентимиз томонидан дунё харитасига ўзгартириш киритилди. Бу Ватаннинг ҳақиқий инқилоби эди. Яна бир қудратли янги давлат барпо этилди. Ўзбекистон ўз номи билан тарих саҳнасига дадил чиқди. Мустақиллик сўзини ёзган ўғлимнинг қўлидаги яшил қалам ҳақида ва унинг мурғак қалбида яралган эркинлик туйғуси ҳақида бутун дунёга жар солгим келди.

Ўша харитани ҳамон сақлаяпман. Ўша лаҳзаларда шуни ўйладимки, болалар қалби осмон каби беғубор. Аслида озодлик ва болалар эгиз сўз экан. Юртбошимнинг жасорати 11 ёшли бола қалбида акс-садо берганига жуда ҳайратланганман.

Истиқлол харитасини чизган ўғлим бугун талаба — Тошкент молия институтида таҳсил олмоқда. Фарзандларимдан бири Азаматжон чет элда таҳсил олиб келди. Улуғбек ва Жўрабеклар Тошкент молия институтини, Шамсиддин СамДЧИни тугатди. Садриддин эса Самарқанд қишлоқ хўжалиги институти талабаси. Мен мустақиллик ҳақида ўйлагаримда республикамизнинг энг нуфузли олий ўқув юртларига тест синовлари орқали ўқишга қабул қилинган барча фарзандларим кўз олдимга келади. Истиқлол адолати туфайли улар ҳаётда ўз ўрниларини топмоқдалар.

Мустақиллик — буюк неъмат

Анвар ака сўзларини тинглаб, эндигина саккиз ёшга тўлган истиқлол аллақачон оддий инсонлар тақдирида ўзгариш ясаганига яна бир бор ишондим.

Истиқлол адолати ватанимизнинг энг чекка қишлоқларига ҳам етиб борганига чексиз қувондим!

Узоқроқда ўйнаётган қизим Барчиной ёнидаги дугоналарига қараб — мени дадам Мустақиллик байрамида Тошкентга олиб боради — деб мақтанаётганини эшитдим. Қувончларим қуёш қадар юксалди. Элим сенинг энг муқаддас байраминг яқиндир. Истиқлолнинг жажжи чечаклари соғиниб кутаётган азиз айёминг яқиндир.

Қишлоқ йўлидан чиқаётганимизда, улуғ байрамимизни соғинган жажжи қизимнинг қувончдан кўзлари қуёш эди.

Фаррух ҲАМРОЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Баркамол авлодга эътибор

Ёшлар келажагига ишонч билан қаралмоқда. Кеча Тошкент молия институти қошида ташкил этилган солиқ лицейидаги анжуман ҳам ана шундан далолат беради.

Анжуманни Тошкент давлат молия институти ректори М. Шарифхўжаев кириш сўзи билан очди. Шундан сўнг Жанубий Кореянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси жаноб Че Ёнг Ха бошчилигидаги вакиллар иштирок этиб, анжуманга ўзгача файз киритдилар. Йиғилишда олий ва ўрта махсус таълим вазири С.Ғуломов сўзга чиқди.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ташкил этилган тендерда ғолиб чиққан 3 та лицейга, яъни Молия институти қошидаги солиқ лицейи, Техника университети қошидаги миллий лицей-интернати ҳамда Иқтисодиёт университети қошидаги лицейларга Жанубий Кореянинг «KOICA» халқаро ҳамкорлик агентлиги томонидан 50.000 АҚШ долларига тенг 36 та PENTUM-II компьютерлари, 6 та рангли принтерлар ушбу анжуманда тақдим этилди. Бундай ёрдам ва билдирилган ишончга лицей талабалари ва ўқитувчилари миннатдорчилик билдирдилар.

Аслиддин АБДУЛАЗИЗ ўғли

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ўн бешинчи сессиясининг очилиши тўғрисида

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн бешинчи сессияси 1999 йил 19 август куни соат 10 да Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Мажлислар залида очилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари диққатига

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари 18 август куни соат 9 дан соат 18 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида рўйхатга олинади.

Сиёсий партиялар депутатлар фракциялари ва ҳокимият вакиллик органларидан сайланган депутатлар блоки таркибига кирувчи Олий Мажлис депутатлари диққатига

Халқ демократик партияси фракциясининг йиғилиши 17 август куни ушбу партия Марказий Кенгашининг мажлислар залида соат 17 да бошланади.

«Ватан тараққиёти» партияси фракциясининг йиғилиши 18 август куни соат 9.30 да Олий Мажлис ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтининг мажлислар залида ўтказилади. Шу куни «Адолат» Социал-демократик партияси фракциясининг йиғилиши соат 13 да, ҳокимият вакиллик органларидан сайланган депутатлар блокининг йиғилиши эса соат 15 да Олий Мажлисда ўтказилади.

Бу дунёнинг ишлари

Қишлоқлар қамал ҳолатида

Исроил армияси Иордан дарёсининг ғарбий қирғоғидаги бир қанча Фаластин қишлоқларини қамал ҳолатида ушлаб турибди. Чунки фаластинликлар исроилликларга қарши ҳужум уюштиришган эди. Бир фаластинлик ўтган куни автомобилни бир гуруҳ исроиллик аскарлар устига ҳайдаб борди. Натижада 11 киши ярадор бўлди. Ҳайдовчи ўша жойда отиб ташланди. Ўша куни Ғарбий қирғоқда битта яҳудий фаластинлик томонидан ярадор қилинди. Исроил ҳукмрон доиралари Ҳамас ва Ислом Жиҳоти экстремистик гуруҳларининг янги ҳужумлари уюштирилишидан хавфсирамоқда.

Даҳшатли бўрон

Американинг Солт Лейк Сити шаҳрида бўлиб ўтган кучли бўрон натижасида бир киши ҳалок бўлди. Юзлаб жароҳат олганлар бор. Аҳоли бўрон ҳақида илгари огоҳлантирилмаган эди. Бўрон натижасида дарахтлар қулади. Биноларга зарар етди ва автомобиллар ағдарилиб тушди. Бир аёл маҳаллий телестанция орқали айтдики, гўёки шаҳар маркази осмонида гирдобсимон булутлар пайдо бўлганмиш. Кучли шамол натижасида дўл ёққан, худди кинодагидек, деди аёл.

Табиий офат қурбонлари

Бангладешдаги сув тошқини оқибатида камида 14 киши қурбон бўлди, элликка яқин одам жароҳатланди. Сўнгги вақтларда давом этаётган кучли ёғингарчилик ана шундай табиий офатни келтириб чиқармоқда. Маҳаллий ҳокимият вакилларининг хабар беришича, Читтагонг шаҳрида ўн нафар, Азизнагарда эса тўрт фуқаро ҳалок бўлган. Улар орасида беш аёл ва тўртта бола ҳам бор.

Қашқадарё: *Мустақиллик манзаралари*



Абдурасул ПАРДАЕВ олган суратлар

Партия ахбороти

Амалий учрашувлар

Ўзбекистон ХДП Жиззах вилоят кенгаши ва шаҳар кенгаши ёшларни миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялашда ХДП вилоят ташкилотларининг вазифаларига бағишланган «Мустақиллик мафкураси» мавзуида очиқ мулоқот ўтказди. Унда шаҳар ва туман партия ташкилотлари биринчи котиблари, йирик бошланғич партия ташкилотлари котиблари, Ўзбекистон ХДП вилоят ва шаҳар кенгашлари масъул ходимлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Мулоқот чоғида миллий мафкурани шакллантиришда юртбошимизнинг маърузалари, асарлари муҳим ҳаётий дастуриламал эканлиги асосий диққат-эътиборда бўлди. Юртимизда катта куч бўлган ва келажак эгалари ҳисобланган ёшларни замон руҳида тарбиялашда миллий мафкуранинг роли бениҳоя катта эканлиги эътироф этилди. Бу борада жойларда қилинаётган ишлар ҳақида батафсил сўз борди.

— Жиззах шаҳар «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази «Маҳалла» жамғармаси ва бошқа жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда ташвиқот гуруҳи тузган, — дейди шаҳар «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази раҳбари Шаҳло Ахророва . — Гуруҳ режасига мувофиқ жойларда ҳафтада бир марта мамлакатимиз Президенти асарлари ва маърузалари ўрганиляпти, муҳокама этиляпти. Бундай учрашувлар кўпроқ маҳаллада, ўқув юртларида қизиқарли ўтмоқда. Ота-оналар билан бевосита очиқ мулоқотлар ўтказаяпмиз. Мулоқотлар чоғида ёшлар тарбияси қандай йўлга қўйилганлиги, уларнинг бўш вақтлари қанчалик назорат қилинаётганлиги, ёшларни кўпроқ нималар қизиқтираётганлиги тўғрисида савол-жавоблар ўтказилмоқда.

Партия сафларига қабул қилишда ёшларнинг сиёсий онги, маслак ва интилиши ҳар томонлама пухта ўрганилиши ва савол-жавоблар ўтказилиши мақсадга мувофиқдир. Ҳозирги пайтда очиқ мулоқотлар кўпроқ керак, негаки, дўстона учрашувларда улар ўз дардини, таклифини очиқ-ойдин баён этишади.

— Мустақиллик мафкурасини шакллантиришда ХДПнинг ўрни ва ҳиссаси катта, — дейди ХДП Зарбдор туман кенгашининг биринчи котиби Алиқобил Ўсканов. — Бугунги кунда партияга эътиқод масаласи биринчи даражага кўтарилиши керак. Эътиқодли ва имонли киши ўз партиясининг обрўси учун курашади.

Шунингдек, мулоқот чоғида ХДП нуфузини оширишда оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш зарурлигига ҳам эътибор қаратилди. Бу йилги сайловларда фаол иштирок этиш, бунинг учун депутатликка энг ишончли номзодларни кўрсатмоқ зарур.

Абдусаттор СОДИҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Тил — дарё, дарёмизни асрайлик

Русча ёзилиши	ўзбекча қўлланиши (ва манба тиллардаги маъноси)
прокурор	**прокурор** (лотинча procurare ғамхўрлик қилиш). Бу атаманинг «қораловчи» ёки баъзи бир олимлар таклиф қилганидек, «муддаи умумий» деб қўлланилиши нотўғри.
протокол	**баённома,** протокол (юнонча protokollon, биринчи (варақ), protos биринчи + kollao елимлайман). Бу атама икки маъноли: 1) бирон ҳолатни қайд этадиган расмий ҳужжат (мас: мажлис баённомаси), 2) халқаро ҳуқуқда: шартнома протоколи, дипломатик протоколлар мавжуд.
процент	**фоиз**
процесс	**жараён**, процесс (лотинча processis силжитиш) Бу атама икки шаклда қўлланилади: 1) ҳодисалар ҳолати, тараққиёт босқичлари ва бошқаларнинг изчил алмашиб туриши — жараён; 2) суд иши, тергов, маъмурий ва суд органлари фаолиятида — процесс деб ишлатилади.
путёвка	**йўлланма**
разведка	**разведка** (русча), қидириш. Бу термин 2 маънода ишлатилади: разведка — ҳарбий соҳада душман ҳолати ва вазиятини аниқлаш; қидириш — геологияда: кон қидириш ишлари.
район	**туман**
рапорт	**билдирги**, рапорт (французча rapport<rapporter олиб келиш, олиб бориш, қайтариб келиш). 1) билдирги — топшириқ ёки мажбуриятни бажарганлик ҳақидаги маълумот. 2) рапорт — ҳарбий соҳада. Ҳарбий хизматчининг бошлиқларга ҳисоботи.
ратификация	**ратификация** (лотинча rauts ҳал қилинган, тасдиқланган + facere қилмоқ), тасдиқлаш. Бу атама ҳозирги вақтда «ратификация» ва «тасдиқлаш» тарзида ишлатилмоқда.
реабилитация	**реабилитация** (лотинча rehabilitatio тиклаш), оқлаш. Ҳозирги вақтда «реабилитация» сўзи билан бир қаторда «оқлаш», «тиклаш» сўзлари ҳам ишлатилмоқда.
реанимация	**реанимация** (лотинча reanimatio жонлантириш). Бу терминнинг баъзан «тирилтириш», «ўлганларни тирилтириш хонаси» каби қўлланиши нотўғри.
ревизия	**тафтиш**
регламент	**тартиб**, регламент (французча reglement тартиб, қоида). 1) тартиб; мажлис, конференция, кенгашларни олиб бориш тартиби. 2) регламент: халқаро конгресслар ва конференцияларнинг айрим ҳужжатлари номи.
редактор	**муҳаррир**
редакция	**таҳририят**
реестр	**рўйхат**, реестр (полякча rejestr, лотинча regestrum рўйхат) Бу атама 2 вариантда ишлатилмоқда: 1) рўйхат: иш ҳужжатлари, мол-мулк ва бошқалар рўйхати; 2) реестр: шу ҳужжатлар қайд қилинадиган дафтар.
резерв	**заҳира,** резерв (лотинча reservare сақлаш, асраш). Кейинги вақтларда «резерв» сўзи ўрнида ҳам асосан «заҳира» сўзи ишлатилмоқда.
резолюция	**резолюция** (лотинча resolutio қарор), қарор. Бу термин 2 шаклда қўлланилмоқда: 1) қарор: мажлис, кенгаш ва шу кабиларда қабул қилинган ҳужжат; 2) резолюция: раҳбарнинг расмий ҳужжатдаги ёзуви.
рекомендация	**тавсиянома**
репрессия	**қатағон, қувғин**
республика	**республика** (лотинча res мулк — publica ижтимоий давлат). Бу терминнинг тарихан «жумҳурият» деб қўлланиши ҳам мавжуд.
реформа	**ислоҳот**

(Давоми бор)

Котиб сайланди

ЎзХДП Пастдарғом туман кенгашининг пленумида ташкилий масала кўрилди. Илгари «Машъал» жамоа хўжалиги бошқарувининг раиси бўлиб ишлаб келган Ғ. Амиров ХДП туман кенгашининг саркотиби этиб сайланди. Республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси Самарқанд вилоят бўлимининг раиси Т. Сафаров, туман ҳокимининг ўринбосари Н. Алиевлар йиғилишда сўзга чиқиб, Президентимиз И.А.Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг шу йил биринчи ярмидаги иқтисодий ислоҳотлар якунига бағишланган йиғилишида сўзлаган маърузасидан келиб чиқадиган долзарб вазифалар ҳақида фикр-мулоҳазалар юритдилар.

Лутфулла МАМАСОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигида

Қўшинларни тайёрлаш режасига мувофиқ 1999 йил 16-19 август кунлари Тошкент шаҳри ва республикамизнинг бир қатор вилоятларида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг қўмондонлик – штаб ўқув машқлари бўлиб ўтади.

Ўқув машқлари давомида қўшинларни бошқариш тизимини такомиллаштириш, Қуролли Кучларни ислоҳ қилиш ва тузилмавий янгиланиш шароитида қўшинлар ва қисмларнинг жанговарлик қобилиятини ошириш, Мудофаа вазирлигининг давлатни ишончли равишда ҳимоя қилиш ва хавфсизлигини таъминлаш бўйича ҳамда алоҳида муҳим, стратегик объектлар ва коммуникацияларни қўриқлаш, мудофаа қилиш борасида бошқа вазирликлар ва идоралар билан биргаликдаги ҳаракатларини янада яхшилаш масалаларини ишлаб чиқиш режалаштирилмоқда.

Уйна, қуйла, давру даврон сеники
Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат

Самарқандда мулкдорлар кўпаймоқда

Самарқанд вилоят қўчмас мулк биржасида кейинги кезларда бозор иқтисодиётини шакллантириш борасида катта ишлар қилинмоқда.

Вилоят кўчмас мулк биржаси жамоаси ўз олдига қўйилган вазифаларни бажаришда асосан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Хусусийлаштиришни чуқурлаштириш ва 1999-2000 йилда нодавлат ва давлат мулкларини сотишдан бюджетга тушадиган маблағларни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига ҳамоҳанг иш олиб бормоқда.

— Ушбу қарорда айтилганидек, республикамизда тадбиркорликни рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш борасидаги кўрсатмалар бизга дастуриламал бўлмоқда, — дейди биржа бошқарув раиси Абдураҳмон Аҳмедов. — Айниқса вилоятда кўчмас мулк бозорини шакллантириш ва мулкдорлар сафини кенгайтиришга кенг йўл очмоқдамиз. Шу боисдан бозор инфраструктурасини ривожлантириш ҳамда иккиламчи бозорни вужудга келтириш осон кечмоқда. Бино ва иншоотларни ҳамда бошқа турдаги мулкларни «кимошди», «танлов» ва «биржа» савдолари орқали очиқ сотиш изчиллик билан олиб борилмоқда.

Бунга жамоанинг ярим йилликда эришган ютуқлари гувоҳ бўла олади. Ташкил этилган «биржа» савдоларида нодавлат секторига тегишли мол-мулкларнинг сотилиши салмоқли ўринни эгаллайди. Бу эса вилоятда иккиламчи бозорнинг тезкор ривожланаётганлигидан дарак беради.

Вилоятда реклама ва эълонларнинг мавжуд оммавий ахборот воситаларида эълон қилиниши, радио-телевидение орқали эфирга узатилиши ўз ижобий самарасини бермоқда. Ўтказилаётган савдоларга харидорларнинг жалб қилиниши яхшиланди. Шу боисдан Кўчмас мулк биржаси томонидан, 1999 йилнинг ярим йиллиги давомида 60 маротаба савдолар ўтказилиб, шулардан 22 таси «кимошди» ва 38 таси биржа савдоларидир.

Жорий йилнинг олти ойи давомида режада кўрсатилганидек 246 та объектни 34966,0 минг сўмга сотиш ўрнига 598 та объектни 137258,4 минг сўмга сотиб режани сон жиҳатдан 243,1 фоизга, сотилиши бўйича эса 392,5 фоизга бажарди.

Режа бўйича 120 та уй-жой қуриш учун ер майдонлари 3600,0 минг сўмга сотилиши мўлжалланган бўлиб, ҳақиқатда 199 та уй-жой қуриш учун ер майдонлари 5827,0 минг сўмга сотилди. Режа 166 фоизга, сотилиши бўйича эса 162 фоизга бажарилган.

Уй-жой қуриш учун ер майдонларидан ташқари бошқа иншоотлардан ҳам 126 та иншоот 31366,0 минг сўмга сотилиши режалаштирилган бўлиб, ҳақиқатда 399 та объект 131431,4 минг сўмга сотилиб режа 316,7 фоизга, сотилиш бўйича эса 419,0 фоизга адо этилгандир. Бу сотилган мулклар ичида асосий ўринларни Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда «Ўзмевасабзавотузумсаноатхолдинг» компанияси тармоғига кирувчи иншоотлар эгаллайди.

Ушбу тармоқнинг 44 та иншооти 6342,4 минг сўмга сотилган. Бу албатта ушбу соҳани ривожлантиришда катта ижобий роль ўйнайди.

Биржа жамоаси ўзаро ҳамкорликни ҳам яхши йўлга қўйишган. Масалан: хўжалик суди, халқ судлари ва давлат солиқ инспекциялари томонидан тақдим этилган объектлар бўйича ҳам белгиланган тартибда реклама ишлари олиб борилган. Жумладан, хўжалик суди тақдим этган объектлардан 1 таси 130,0 минг сўмга, давлат солиқ инспекциялари томонидан тақдим этилган объектлардан 27 таси 12908,3 минг сўмга «кимошди» ва «биржа» савдоларида сотилди.

Айниқса, биржа ходимлари томонидан ишбилармон ва тадбиркорларда катта қизиқиш уйғотаётган мулклардан бири бу автоулов воситалари бўлиб, улардан 167 таси 31093,6 минг сўмга сотилиб, ушбу воситалар ишбилармонлар орқали халқимиз ва давлатимиз равнақи йўлида хизмат қилишга йўналтирилмоқда.

Ўткир ПЎЛАТОВ

Тафаккур ёғдулари

(Давоми. Боши 1-бетда)

бунёд этишимиз керак. Бу тўққизинчи синфларни битирувчиларни ўрта-махсус, касб-ҳунар таълими мактабларига тўла қамраб олишни таъминлайди».

Халқнинг куч-қудрати, навқиронлиги — унинг ёшларига боғлиқ. Шу боисдан ҳам ёшлар учун яратилган ҳар бир имконият, улар учун қурилган ҳар бир ўқув даргоҳи — халқнинг маданий қатламларини иқтидорли , комил ёшларнинг ақлу идроки, меҳнати, кашфиётлари билан тўлдиради, жасоратли ва меҳнатсевар авлод билан халқнинг белини ҳам, дилини ҳам бақувват қилади. Мазкур рақамлар ортида неча миллиардлаб сўм маблағ, ундан-да қадрлиси — бебаҳо меҳр, ишонч кўраман!

Ўн йиллар аввал эди «маҳаллий миллат» саналардик ва улкан, қудратли дастгоҳлар, буюк иншоотларга йўлатилмасди бизнинг ёшларимиз. Пахта пайкалида тили чиқиб, суяги қотиб, ўнинчини битиргач қурби етса — олий ўқув юртига кирар, йўқса — унинг ўрни дала, қора меҳнат эди!

Энди ўрта мактаблар ўртамиёна шахсларни эмас, ҳаёт синовларига тайёр, ҳунарпеша, мустақил турмушда ўз йўлини топа оладиган эркин фикрли авлодни тарбияловчи буюк дорилфунунлар ролини ўтовчи масканларга айланаётганининг гувоҳи бўлаяпмиз. Касб-ҳунарли бўлган ёшлар ҳаётда қоқилмайдилар. Уларни турли гуруҳлар йўлдан оздиролмайди. Фазлу ҳунар бирлиги эса миллат бўлиб шаклланишнинг, халқ ҳаёти устуворлигининг бош белгиларидандир. Рисолада ёшлар истеъдоди, иқтидори камол топиши учун юртбошимизнинг алоҳида диққат-эътиборини кўриб, миллат, халқ тақдири учун қайғуришнинг мислсиз намунасини ҳис этасан киши.

Аёллар ва ёшлар. Бу икки мукаррам сўзлар ёнма-ён келади рисолада. Бир-бирини тўлдиради. Аёллар — ҳамма замонда ижтимоий иқлимни яратган муқаддам тоифа, юртнинг маънавий-ахлоқий қатламларини соф тутган, емирилишдан сақлаган илоҳий мўъжизадир. Жамиятимизнинг гуллари деб таърифланган Аёл — Истиқлол Оналари зиммасида Аёллар йилида нечоғлик нозик масъулиятлар турибди.

Дунёнинг биринчи ҳофизаси, шоираси, меъмори ва табибаси бўлган Аёл. Нега шундай экан? Эмишки, Аллоҳ фаришталарга буюрибди: Тупроқдан Одам ясанглар. (Тупроқ — Аллоҳнинг жамолидан тушган мунаввар нур экан-да). Фаришталар гўзал бир лўъбат — қўғирчоқ Одам ясабдилар. Одамнинг жони йўқ эмиш. Иккинчи Одамни ҳам ясашибди. У ҳам жонсиз экан. Аллоҳ амри билан, фаришталар қамишдан най ясаб, чалибдилар. Аёл тимсолидаги лўъбат-қўғирчоққа Жон, Руҳ кириб тирилибди. Сўнг эркак Одам тирилибди. Балки шу сеҳрли най оҳанглари билан Аёл зуваласига ҳаётбахшлик, меҳр-муҳаббат, куюнчаклик, сабру тоқат, оғир-вазминлик фазилатлари жо бўлгандир. Не бўлганда ҳам, биз, аёллар ўзимиз билмаган ҳолда мўъжизадирмиз. Сир-синоатмиз. Руҳимизда буюк қудрат ва муҳаббат юлдузи балқиди. Шу қудратли фазилат билан жамиятнинг мўътадил об-ҳавосини, ахлоқий иқлимини мувозанатда сақлаймиз. Ернинг тортиш кучи бўлмаганида аллақачон коинотдаги сайёралар сочилиб, дунё остин-устун бўлиб кетарди. Аёлнинг меҳру муҳаббати, ақлу заковати ҳам — жамиятни ўз ўқи атрофида айлантириб турган илоҳий мўъжиза, мувозанат посонгисидир. Ана шу боис ҳам ҳар қандай мустабидлар оналарни қул қилишга, маҳв этишга, уларнинг фарзандлари, бош эгаларини турли йўллар билан йўқ қилишга уринганлар. Акани сингилга ёв қилган 20-йиллар халқни қонга ботирганини эслайлик. Эрини «халқ душмани» деб отиб ташлаган тузум (Файзулла Хўжаевнинг рафиқаси) Робияни ҳам Сибирга сургун қилган эди. Очу наҳор, қировда қарағай кесганлар орасида асилзода Файзулла Хўжавенинг гўзал аёли зангула (цинга) касалидан тишлари тушиб, хор бўлиб вафот этди. Унинг қизи Вилоят ҳам турли етимхоналарда сарсон бўлиб, ёшлиги кечди. Сталин вафотидан кейингина юртига қайтиб келиш унга насиб этди. «Саодат» журналининг илк бош редакторларидан Тожихон Шодиеванинг сувратлари орасида гуппи кийиб, эркакча қалпоқда тушган бир ғамгин қиёфа бор. Ақли расо бу аёлни ҳам қатағон чиғириқларидан ўтказишди. У ҳур фикрли эди. Элни уйғотишга, бедор қилишга, ориф ва комил айлашга чоғланган журъати бор эди... У халқни эргаштира оларди. Қатағон чолғилари мустақил фикрли кишиларни «ўриб» ташлайверди. Биргина «Ёв қочса — ботир кўпаяр» мисоли учун тил-адабиёт муаллимаси Музайяна Алавияни ишдан ҳайдаганлар.

Назокатли адиба Саидахонимни «халқ душмани» Саид Аҳмаднинг хотинисан, эрингдан кечасан, деб неча йил қийнадилар. Саидахонимдай шоира эски ёзув машинкасида ёзувчиларнинг ёстиқдай-ёстиқдай асарларини кўчириб, чойчақа топган кунлари азобини ким айтади? Талабалик йилларида китобчаси чиққан гўзал бу шоирани корейс мактабларидан бирига рус тилини ўқитиш учун юборишган. (Шоира ўзбек тилидан муаллима эди). Мафтункор актёр Маъсума Қориеванинг руҳий хастахоналарда ўтган фоже қисмати-чи? Бундай озод хаёлли, кўнглида гавҳари бор ўзбек аёллари номи бир достонга сиғмайди.

Айнан Аёллар йилида — Хотира ва Қадрлаш куни халқимизнинг кўнгил яраларига малҳам бўлди. Хотира майдонида Интизор Она бағрига қайтган юз минглаб оталар, қирчинидан қийилган гулдай йигитлар — шаҳидлар умрини Президентимиз халқимизга қайтариб берди. Уларнинг абадий ҳаёт чироқларини ёқиб берди. Мустабид тузум исканжасида ҳалок бўлган зиёлилар хотирасини абадийлаштириш, уларнинг меросини топиш, ўрганиш ҳақидаги олижаноб Фармон ҳам қаддимизни, қадримизни кўтарди. Қанча чирқираган руҳлар шод бўлди. Энди енг шимариб ишламоқ, мисқоллаб олтин излагандай азиз ва табаррук номларни қоронғу, зах архивлар «қудуғи»дан топмоқ бизга тан. Бизнинг ғуруримизга, фидойилигимизга, ўзимизни иззат қилишимизга боғлиқ. Сўлтон суягини хорламас, дейдилар ахир. Шундай савоб, хайрли ишлар турганда майда-чуйдаларга ўралашиб қолмайлик-да! Навқирон кимсалар қилмишидан бехабар бўлмайлик!

Озод бўлсанг, озод бўл! Мустақил бўлсанг, мустақил бўл! Эркин бўлсанг, эркин бўл! Элга эл қўшган, диниимони саломат Оналар, ушбу кароматли сўзлар қалбимизда садо берсин! Битта ношуд бола бир элни ёвга берган экан. 16 февраль воқеалари бизни ҳушёр торттириши керак.

Ҳою ҳавас илинжида, амал таъмасида ўз юртининг иссиқ юзига оёқ босган, бугун қора курсида ўтирган тўда ҳам бизнинг болаларимиз эмасмиди? Уларнинг кўзини қачон ғафлат босди? Қайси қорақуртлар-ватангадолар уларнинг имон жавҳарини сўрди? Бу жароҳат оғир...

XXI аср остонада турибди. Бу синовлар, имтиҳонлар асри бўлажак. Мустақил Ўзбекистоннинг Оналари сифатида ёшларимиз, қизларимизга дунёни ақли билан ёритган боболаримиз, момоларимизнинг шиддатли, жасур, маърифатга ташна, озодликка чанқоқ ва муносиб қалбини мерос қилиб янги асрга ўтишни бизнинг Президентимиз орзулаб турибди. Бу орзу ҳаётимиз йўриғига айлансин!

Маънавий-руҳий дунёмизга кириб келган янги рисола «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда»нинг ҳар бир саҳифасида порлаган тафаккур ёғдулари муборак бўлсин!

Ойдин ҲОЖИЕВА,
Ўзбекистон халқ шоири.

— Келинг меҳмон, олинг меҳмон.
Абдурасул ПАРДАЕВ олган сурат

«Тўйга келар яхши-ё»...

Ўтмиш шаҳодати ва бугуннинг шарофати билан йўғрилган «Тўйга келар яхши-ё» мусиқали дастури яқинда ўтган V анъанавий республика фольклор жамоалари кўрик-танловида фахрли биринчи ўринни эгаллади. Бу дастурни тақдим этган ғолиб Қарши шаҳридаги Чақар маҳалласининг «Гулчеҳралар» фольклор ансамбли ўтмишимиз, юрт истиқболи ҳақидаги халқ қўшиқларини маҳорат билан куйлашди.

— Шаҳримизда 62 та маҳалла бор, — дейди Қарши шаҳар ҳокими Й. Қораев. — Ободончилик, ёшлар тарбияси, энг яхши анъаналарнинг яшаб қолиши ана шу маҳаллаларда олиб борилаётган ишлар самарасига боғлиқ. Шу маънода Норгул Мустафақулова раислик қилаётган «Чақар» маҳалла фуқаролар йиғини фаолияти ибратли. Новвойлар, кулоллар, ҳунармандлар шу маҳаллада. Аёллар йили муносабати билан «Гулчеҳралар» ҳаваскорлар дастаси турли дастурлар тайёрламоқда. Шаҳар ҳокимлиги маънавиятга хизмат қилувчи халқ санъаткорларини қўллаб-қувватламоқда. Ансамбль мустақиллик байрамига атаб алоҳида қўшиқ-рақслар ҳозирламоқда.

Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Бетовфиқ «доришунос»лару бетаъсир дорилар

Тошкент шаҳар солиқчилари кейинги уч ой давомида дори-дармонлар савдосини тартибга солиш мақсадида 74 марта рейд ўтказишди.

Шунда 25 ҳолатда 1417,1 минг сўм назорат касса машинаси орқали кирим қилинмаганлиги маълум бўлди. 9 ҳолатда эса дорифурушлар рухсатномасиз фаолият кўрсатаётган эканлар. Харидорлар ҳақига хиёнат қилиш ҳоллари бу соҳада ҳам чуқур илдиз отибди. 16 ҳолатда шундай эгриқўллар маълум бўлди. Энг ачинарлиси шундаки, савдога чиқарилган 243,9 минг сўмлик дори-дармонлар лаборатория таҳлилидан ўтмаган. Улар истеъмолга яроқлими ёки яроқсизми, буни дорифурушнинг ўзи ҳам билмайди.

Рейдлар давомида 1440 минг сўмлик ҳужжатсиз дори-дармонлар қўлга туширилди, бир талай дорилар яшириб сотилаётганлиги, нархи чегараланган 20 хил дори-дармонлар эса сотувда тобора камайиб бораётганлиги маълум бўлди.

Солиқчилар Мирзо Улуғбек туманидаги «Технофарм» дорихонасини текшираётиб шундай ҳолатнинг устидан чиқдилар. Бу ерда умумий баҳоси 15,6 минг сўмлик бўлган 8 хил дори-дармонлар яшириб сотилаётганлиги, давлат реестрига кирмаган 51,1 минг сўмлик 3 хил дори эса очиқ савдога қўйилганлиги аниқланди. Шу боисдан ҳам дорихона мудири М. Кругловага нисбатан жиноий иш қўзғатилди.

Шу тумандаги Буюк ипак йўли кўчаси, 139-уйда жойлашган ўсимлик ва кимёвий моддалар институтига қарашли дорихона мудири Р. Шодиев устидан ҳам жиноий иш қўзғатилди.

Солиқчилар текширув ўтказишган куни бу ерда давлат реестрига кирмаган ва лаборатория таҳлилидан ўтмаган 58 минг сўмлик дори-дармонлар пулланаётган эди. Бунинг устига сотувчи Н. Нурматова назорат касса машинасини ишлатмай савдо қилаётганди.

Собир Раҳимов туманидаги кўпгина дорихоналарда ҳам дори-дармонлар савдоси қоидалари кўпол равишда бузиляпти. Тумандаги Талабалар кўчаси,61-уйда жойлашган «Адиба» хусусий фирмасига қарашли дорихона провизори М. Исматуллаева ҳужжатсиз дори-дармонлар сотиб ўтирганида қўлга тушди. Устига-устак савдога қўйилган 51,1 минг сўмлик дориларнинг сифат сертификати ҳам йўқ эди. Олимпия даҳасида жойлашган «Олимпия» дорихонасида ҳам шундай аҳвол кўзга ташланди.

Миробод туманидаги «Жавоҳир-Люкс» хусусий фирмасига қарашли дорихона провизори А. Оперштеннинг устамонлиги барча дорифурушларникидан ўтиб тушди. У солиқчилар кўзи олдида бир харидорга хизмат кўрсатиб, уни нақ минг сўмга туширди. Солиқчилар шундан кейин текширувни яна ҳам чуқурлаштирдилар. Маълум бўлишича, 822,9 минг сўмлик 311 хил дори-дармонлар лаборатория таҳлилидан ўтмаган экан. Тушумларнинг бир қисми эса назорат касса машинасини четлаб ўтибди.

Дорихоналарни соғин сигирга айлантириб олган дорифурушлар, афсуски, бугунги кунда ҳар қадамда учраб турибди. Бозорларда ва мослаштирилмаган дўконларда сотилаётган дори-дармонларнинг аксарияти беморларга даводан кўра кўпроқ жафо келтириши турган гап.

Жасур НОСИРОВ,
республика Давлат солиқ қўмитаси матбуот хизмати раҳбари

Яна бир можаро

Покистон қўшинлари айғоқчи самолёт уриб туширилган жойни кўриб келиш учун кетаётган журналистлар тушган вертолётга ракета отишди. Лекин вертолётда кетаётган журналистлар жабр кўрганлари йўқ. Покистон ҳарбий ҳаво кучларининг самолёти айғоқчилик учишини амалга ошираётган пайтда ҳиндистонликлар шу самолётни уриб туширган эди. Лекин Покистон ушбу учишни айғоқчилик мақсадида қилинган эмас демоқда. Айни пайтда икки мамлакатнинг қуролли кучлари жанговар ҳолатда турибди.

БМТ Ҳиндистон билан Покистонни босиқликка чақирмоқда. Куни кеча бўлиб ўтган воқеалардан сўнг, яъни Ҳиндистон қирувчи самолёти Покистон айғоқчи самолётини уриб туширгандан сўнг икки томон ҳам бир-бирини иғвогарликда айбламоқда. Покистон самолётидаги экипаж аъзоларидан 16 киши ҳалок бўлди. Ҳиндистон ушбу самолёт Ҳинд океани қирғоқларида унинг чегарасини бузиб ўтган, деб таъкидламоқда. Покистон армиясида эса жанговар тайёргарлик эълон қилинди. Ҳиндистоннинг мамлакат ғарбидаги қуролли кучлари ҳам тайёргарлик ҳолатига келтирилди. БМТ Бош котиби Кофи Аннан эса иккала томонни ҳам ўта ҳушёрликка чақирди.

Яҳудийлар марказида қотиллик

АҚШ Президенти Билл Клинтон Лос-Анжелес шаҳридаги яҳудийлар миллий марказида беш кишини отиб ташлаган Бафорд Фарроу нима сабабдан бу ишни амалга оширганлигидан ташвишга тушиб қолди. Шубҳаланилаётган шахс полицияда ушбу ҳаракатни яҳудийларни ўлдиришга чақириш, деб баҳолаш керак демоқда. Фарроу эса ирқчи гуруҳлардан бирининг аъзоси деб шубҳа остига олинди. У Лос-Анжелесдан таксида жўнаб кетиб Лас-Вегас полициясига ихтиёрий равишда таслим бўлди. Президент ва унинг турмуш ўртоғи Хиллари ўқ отиш қуроллари тўғрисидаги қонунни қайта кўриб чиқиш зарурлигини таъкидлашди. Чунки, Лос-Анжелесда бўлган воқеа кейинги ҳафталарда Қўшма Штатларда юз берган оммавий қотилликларнинг фақат биттаси холос.

Биласизми?

Буйрак тошларига бактерия сабаб

Финландиянинг Куопио шаҳридаги университет ходими Олави Каяндер фанда яна бир янгилик яратди, яъни ҳажми 0,1 микрометр келадиган бактерияни аниқлади. Бу бактериялар одам ва бошқа жонзотларнинг қонида яшайди. У қондаги минераллардан ўзига ҳимоя «совути» ясаб, атрофини ўраб олади ва натижада қаттиқ жисм пайдо қилади. «Совут»ни илмий ўрганиш хулосаси қуйидагича бўлди: унинг таркиби буйрак тошлар таркиби билан айнан ўхшаш экан. Тажрибада қатнашган — буйрак тошлардан азоб чекаётган мижозларнинг барчасида хасталикни шу бактериялар келтириб чиқаргани аниқланди. Маълум бўлишича, ушбу бактерия билан зararланган ҳужайра минерал чиқиндилар ишлаб чиқара бошлайди ва у ўз навбатида буйракда йиғилиб «тош» ҳосил қилади.

Организм учун ўта хавфли бўлган бу бактерияни йўқотиш жуда мураккаб. Негаки, «совут» уни қаттиқ ҳимоя қилади. У нафақат кимёвий бирикмалардан сақлайди, балки нурланишдан ҳам бактерияни асрайди. Ҳатто ультрабинафша нурлардан одам ҳалок бўлиши мумкин, аммо бактерия тирик қолади.

Каяндер бактерия Ерга коинотдан тушган бўлиши мумкинлигини айтмоқда. Унинг бу фаразини НАСА мутахассислари ва Америка астробиология институти олимлари ҳам қўллаб-қувватлашди. Лекин бу ҳақдаги аниқ гапни эндиги тадқиқотлар натижаси айтади.

Ўзбек ҳаво флоти ёки XXI аср қанотлари

Республика мустақиллигининг саккиз йиллиги байрами арафасида мамлакатимиз учувчилари, ҳарбий ҳаво кучлари, «Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат акциядорлик жамияти самолётсозлари, авиация институти ва Жиззах ҳарбий ҳаво билим юрти ўқитувчилари ва студентлари ўз касб байрамлари — Ўзбекистон ҳаво флоти кунини нишонламоқдалар. Ўзбекистон учун ҳаво флоти қудратли иқтисодий ва стратегик салоҳиятга эгадир. Шуни эътиборга олиб, Президентимизнинг 1995 йил 21 июлдаги Фармонига кўра, август ойининг учинчи якшанбаси Ўзбекистон Республикаси Ҳаво флоти куни деб белгиланган эди.

Маълумки, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси мавжуд жаҳон авиаташувчилар бозорида муносиб ўрин ва мавқени эгаллашни мақсад қилиб қўйганди. Шуни қувонч билан эътироф этиш мумкинки, тармоқда амалга оширилган туб ўзгаришлар ва ўзбек мутахассисларининг фидокорона меҳнати туфайли бунга эришилди. Эндиликда миллий авиакомпаниямиз нафақат МДҲ мамлакатларида етакчилар сафидан ўрин олди, балки Осиё мамлакатларида ҳам катта обрў қозонди.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» жаҳондаги энг ёш авиакомпаниялардан биридир. У Президентимиз Фармони билан 1992 йил 28 январда тузилган. Ўшанда ўзбек учувчилари ишни йўқ жойдан бошлашмаган эдилар. Балки, Ўзбекистон фуқаролар авиацияси бошқармасининг ўзига хос анъаналари ва ишланмалари-ю меросини бойитишга киришгандилар. Ҳали бозор иқтисодиёти, аёвсиз рақобат курашиш шароитидаги хўжалик юритиш тажрибаси йўқ эди. Шунга қарамай, ишлаб чиқаришни тўхтатмаган ҳолда авиация бизнеси соҳасида рақобатбардошликни таъминлашга имкон берувчи чора-тадбирлар тизимини қисқа муддатларда амалга оширишга тўғри келди. Албатта бунга мамлакатимиз раҳбарияти ва шахсан юртбошимизнинг эътибори, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаши туфайли эришилди. Эндиликда «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси жаҳон авиаташувчилар бозорида ўз нуфузига эга. Унинг ИКАО ва ИАТА халқаро авиация ташкилотларида муносиб мавқеи бор. Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон ҳақли равишда қумуш қанотлар мамлакатига айланди.

Республикамиз миллий авиакомпанияси Ғарбда ишлаб чиқарилаётган замонавий самолётлар ҳисобига ўз авиатехника паркини тўлдириб бормоқда. Ҳозир у учта «А-310», иккита «Боинг-767», битта «Боинг-757», шунингдек ўртача масофага қатновчи 3та «РJ-85» самолётларига эга. Улар замонавий, қулай ва тежамкордир. Мустақиллигимизнинг саккиз йиллиги байрами арафасида Ўзбекистон яна бир «Боинг-757» самолётига ҳам эга бўлади. У миллий авиакомпаниямизнинг буюртмасига кўра қурилган. Яқин келажакда эса яна бир «Боинг-757» ва иккита «РJ-85» самолётини ҳам олиш режалаштирилган. МДҲда биринчи бўлиб ўзбек учувчилари яқинда минтақавий йўналишларда қатновчи янги «ИЛ-114»ни фойдаланишга киришдилар. Бу самолёт ўзимизники бўлиб, Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида дунёга келган. Дарвоқе, бу ерда машҳур «Антей»лар, «АН-22», «ИЛ-76» улкан юк самолётларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилган эди. Мана энди эса улар ёнига «ИЛ-114» самолёти ҳам келиб қўшилди. Бу ўзбек авиасозлари салоҳияти ва бунёдкорлигининг самарасидир.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» байроғи остида йигирмадан ортиқ олис ҳорижий мамлакатга, МДҲ бўйича 30 йўналишда ва республикамизнинг ўзида 16 йўналиш бўйича парвозлар амалга оширилмоқда. 38 шаҳарда эса миллий авиакомпаниянинг ваколатхоналари очилган.

Йўловчилар ва юк ташиш бўйича ишлар ҳажми барқарор ўсиб бормоқда. Чунончи, жорий йилнинг биринчи ярмида авиакомпания йўловчилар ташиш ҳажмини ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 9 фоизга, юк ташишни эса 29,4 фоизга оширди. Республикамизнинг асосий ҳаво дарвозалари — Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Урганч аэропортларининг янги мажмуалари ишга тушди ва улар ҳалқаро аэропорт мақомига эга бўлдилар. Бу эса қадимий Шарқнинг тарихий ва маданий марказларига сайёҳлар сони ошишига омил бахш этди. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» хорижий сайёҳларни ташиш бўйича чартер дастурларини бажаришга киришди. Эндиликда Нагоядан Тошкентга, Буюк Британиядан Самарқандга хорижий сайёҳлар тўғридан-тўғри келмоқдалар.

Ўзбекистон осмонида ўнлаб ҳаво йўналишлари кесишади. Европани Жануби-Шарқий Осиё, Янги Зеландия ва Австралияни боғловчи Трансосиё магистрали шу ердан ўтади. Жаҳоннинг 80 та авиакомпаниялари ҳаво кемалари шу самовий ҳудуддан фойдаланади. Тошкентда йўлга қўйилган янги ҳаво қатновларини бошқариш маркази эса парвозлар хавфсизлигини таъминламоқда. МДҲда эса бунга ўхшаши йўқ.

Дарвоқе, исталган авиакомпания учун парвозлар хавфсизлигини таъминлаш энг устувор вазифа ҳисобланади. Шу жиҳатдан олганда «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МДҲдаги энг яхши авиакомпаниялардан бири ҳисобланади. Чунончи, Авиация хавфсизлиги халқаро жамғармаси миллий авиакомпаниямизни махсус диплом билан мукофотлади.

Бу ерда кўпгина йўналишлардаги парвозлардан ташқари, ўз кучи билан ҳаво кемаларига техник хизмат кўрсатмоқда, уларни таъмирламоқда. Чунончи, авиакомпания таркибидаги 243-заводда «ИЛ-62», «ИЛ-76» каби самолётлар таъмирланиб, уларга техник хизмат кўрсатилмоқда. Бу борада бой тажриба орттирилган. Ҳозиргача «Аэрофлот»га, «Украина авиалиниялари»дан шунингдек, МДҲ авиакомпанияларидан самолётларни таъмирлаш бўйича буюртмалар тушмоқда. Ғарб ишлаб чиқаришига мансуб замонавий самолётлар олингач, уларга техник хизмат кўрсатиш соҳасида янги технологиялар ўзлаштирилди. Ваҳоланки, яқин-яқинларгача бундай самолётларга «Люфтганза» компанияси техник хизмат кўрсатиб келаётган эди. Табиийки, валюта маблағлари беҳуда сарфланарди. Шу боис, ўтган йили 243-завод ва авиация техник мажмуи негизида ўзимизнинг техник хизмат кўрсатиш маркази ташкил этилди. Мутахассисларимиз АҚШ ва Европада тайёргарлик кўриб қайтишди. Миллий авиакомпаниямиз Ғарбда ишлаб чиқарилган самолётларга техник хизмат кўрсатиш бўйича Европанинг JAR-145 сертификатини олишга ҳам муваффақ бўлди. Ўтган йил октябрида дастлабки «А-310» самолёти «G-check» ҳажмидаги техник хизмат кўрсатишдан чиқарилди. Мустақиллигимизнинг 8 йиллиги арафасида «РJ-85» самолётига техник хизмат кўрсатиш ишларини ҳам қойилмақом қилиб бажардилар. Шуни ҳам айтиш керакки, ўзбек мутахассислари инглиз-француз ишлаб чиқаришига мансуб ушбу самолётга техник хизмат кўрсатиш чоғида унинг конструкциясига бир қатор муҳим янгиликларни ҳам киритишди. Масалан, ҳаво кемасининг юк ташиш бўлмаси мустаҳкамланди, айрим қисмлари кучайтирилди. Шунингдек, салоннинг интерьерини ўзгартириш бўйича янгича ёндошув қўлланилди. Йил охирида иккита «РJ-85» техник хизматдан чиқарилади. Янги «Боинг-757» олинганидан сўнг эса парвоз ресурсларини тугатаётган «Боинг-767» самолётига илк бор техник хизмат кўрсатишга киришилади. Ҳозир шу йўналишдаги дастур ўзлаштирилмоқда.

Ғарб ишлаб чиқаришига мансуб самолётлардан фойдаланаётган бошқа компаниялардан ҳам шундай ишларни ўтказиш борасида ўзбек мутахассислари буюртмалар олишган. Буларнинг ҳаммаси авиакомпаниямизга валюта маблағларини тежашга, шунингдек, шундай хизмат кўрсатиш бўйича жаҳон бозорида ҳам мустаҳкам ўрин эгаллашга имкон беради.

Кўплаб авиакомпаниялар билан шериклик муносабатлари ҳам фаол ривожланмоқда. 70 дан ортиқ авиакомпаниялар билан ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланганлиги бунга мисол. Европанинг «Эрбас Индастри» консорциуми, «Боинг» корпорацияси, «Люфтганза» авиакомпанияси, Японияннинг «Мицубиси», «Мицуи», Франциянинг «Томсон» қурилиш фирмалари, шунингдек Европа банклари ва бошқа ташкилотлар авиакомпаниямиз билан ўзаро алоқада фаолият кўрсатмоқда. Мамлакатимиз раҳбариятининг мадади, яратилган қулай инвестиция муҳити туфайли хорижий компаниялар мамлакатимиз авиация тармоғи ривожига ўз сармояларини қўймоқдалар. Миқдори эса 1 миллиард доллардан ҳам ошиб кетди.

Ҳа, мустақил Ўзбекистон ҳақли равишда қумуш қанотлар мамлакатига айланган. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» самолётлари XXI асрда ҳам курраи заминимиз узра дадил парвоз этаверади.

«Ўзбекистон — буюк келажак сари» танловига

Алишер РЎЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири

Умр мазмуни

Орамиздаги одамлар

Илғор фикрли зиёлиларнинг пешқадамларидан бўлган Абдуқаҳҳор Иброҳимов ёшлигидаёқ ижодкорлар даврасига дадил кириб, улар қаторидан ўзига муносиб ўрин эгаллади. Тошкент Давлат университетининг журналистика факультетини битиргач А.Иброҳимов ижодий жасорат, ўткир фикр соҳиби бўлган адиблардан намуна олди.

Абдуқаҳҳор ҳақиқатнавис адибдир. У мустабид тузум даврида озодлик ва мустақиллик ғояларини ўз мақолалари ва саҳна асарларида дадил кўтариб миллий, маънавий қарамлик даврининг иллатларини тинимсиз фош этиб келди. Бунинг учун адиб сатира ва юмордан унумли фойдаланди. Вақтли матбуотда, айниқса «Муштум» журналида унинг ўткир ҳажвий асарлари тез-тез чоп этилиб турди, кино ва телевидение экранларида намойиш қилинди.

Албатта, бундай жасоратли ижод кўп тўсиқларга учради. Лекин ўткир истеъдод тўсиқларни ёриб ўтишга, сиёсий ғаниларни лол қолдиришга қодир эди.

Унинг ҳажвий ҳикоялари асосида яратилган «У—сиз эмас», «Бахтли мусибат», «Олдиларидан бир ўтайлик», «Ўзларини кўрсатсинлар» каби телеҳикояларни томошабинлар ҳамон эслайдилар. Ҳажвий пьесалари асосида яратилган долзарб асарлар эса истибдоднинг қолоқ, чиркин ғояларини фош этишда катта хизмат қилди.

Мен А.Иброҳимов билан ижодий ҳамкорлигимизга доир бир воқеани ҳамон эслайман. Адиб «Зўлдир» ҳажвий пьесасини ёзиб, Муқимий номли театр жамоасига ўқиб берди. Асар қизғин маъқулланиб, қабул қилинди. Унда ҳар томонга думалайверадиган хушомадгўйнинг афт-ангори чизиб берилган. Лекин театр музикали бўлгани учун, турли қўшиқлар керак, қўшиқларга эса шеърлар керак. Шунда драматург менга мурожаат қилиб, ижодий ҳамкорликка даъват этди. Мен қўшиқ матнларини ёзиб бердим. Театр жамоаси музикали ҳажвий асарни маҳорат билан тайёрлади. Томошабинлар эса саҳна асаридаги хушомадгўй «зўлдир одам» устидан роса кулдилар...

А.Иброҳимовнинг «Зўлдир»дан ташқари яна ўндан ортиқ ҳажвий драматик асарлари бор.

Адиб Истиқлолни шод-ҳуррам кутиб олди. У қайноқ қалб, тиниқ фикр соҳиби — фаол фуқаро ва истеъдодли ёзувчи сифатида ўзини янги ҳаёт, янги мафкура жабҳасига сафарбар этди. Ўзбекистон Халқ демократик партиясига аъзо бўлиб, сиёсий фаолиятини адабий фаолияти билан қўшиб олиб борди. Мана, саккиз йилдирки, биз А.Иброҳимов мақолаларини газета ва журнал саҳифаларида муттасил ўқиб, радио орқали эшитиб турамиз. Бинобарин, оташнафас адиб маданият, маърифат анжуманларида, матбуотда тинимсиз чиқишлар қилади, муҳим ижтимоий, сиёсий воқеаларни шарҳлайди, тушунарли тилда, таъсирли ибораларда баён қилади. У мустақиллик ғояларини тарғиб этишда адабиётдан, тилдан энг буюк, энг таъсирчан восита сифатида фойдаланади.

Адибнинг ўзбек тилига давлат тили мақоми бериш учун олиб борилган курашдаги хизмати таҳсинга сазовордир. Унинг бу кураши 1989-90 йилларда ёзилиб, «Фан» нашриётида чоп этилган «Тил — тақдир демак» номли китобида яққол сезилади ва унда ўзбек тили муаммоларига доир муҳим ҳаётий фикр-мулоҳазалар баён этилган. Ўта муҳим, ўткир баҳсли, тўла ҳаққоний мазкур асарда чин курашчи, замонавий ўзбек адибининг нурли сиймоси намоён бўлади.

Биз адиб асарларида давр ва жамият ҳаёти, тараққиётига доир жуда кўп масалалар ўртага қўйилганини, уларда ҳаётий, чуқур илмий таҳлил этишга интилишни кўрамиз. Адиб янги, мустақил давлат фуқаросининг дунёқараши, мафкураси қандай ва қай даражада бўлиши зарурлиги ҳақида аниқ фикр юритади, мушоҳада қилади, маънавий ўткир маслаҳатлар беради. Айни вақтда адиб замондошларини, олимларни, зиёлиларни баҳсга тортади, ўйлашга, фикрлашга даъват этади. Олимларимиз Бўрибой Аҳмедов, Шамситдин Бобохонов, Озод Шарофиддинов, Иброҳим Ғофуров А.Иброҳимовнинг бадиий асарларига, публицистик мақолаларига юксак баҳо берганлар.

Замонавий фикрловчи зиёли деган иборада маъно чуқур. Илғор зиёлиларимиз қаторида А. Иброҳимов ҳам замонавий фикрловчи олим, адибдир. Бугина эмас. А. Иброҳимов жамият тараққиётининг истиқболини кўра билгувчи адиб ва олимдир. Унинг бундай фазилати истиқлол шарофати билан қулф урди.

Бугун улуғ ёшини нишонлаётган етук адибимиз Абдуқаҳҳор Иброҳимов истиқлолнинг маҳоратли, матонатли, жасоратли ва ҳамиша содиқ қуйчисидир.

Ҳамид ҒУЛОМ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

Биринчи бўлиш осонмас

Гап шундаки, аввало ўнлаб учрашувларда қатнашиб пешқадам бўлиш осон эмас. Зеро, карвонбошилик мавқеини сақлаш ундан ҳам қийин. Начора, футбол шунинг учун ҳам серзавқ-да. Бўлмаса, ўтган турда пешқадам бўлиб турган «Самарқанд»ни сўнгги ўриндаги «Янгиер»дан енгилишини ким ўйлабди дейсиз. Ёки иккинчи ўринда бораётган «Дўстлик» сафарда бир тўп ҳисобида «Навбаҳор»га бой бериши ҳам қизиқ бўлди. 3-4 ўринларни эгаллаб турган «Навбаҳор» билан «Нефтчи» эса ўз ҳисобларига учтадан очко ёзиб олишди. «Пахтакор» эса мезбон сифатида дуранг ўйнаб муҳлисларни ранжитди. Бугун 18-тур ўйинлари. Муҳлислар «Хоразм» — «Самарқанд», «Зарафшон» — «Пахтакор», «Андижон» — «Нефтчи», «Сурхон» — «Навбаҳор» ва «Дўстлик» — «Темирйўлчи» учрашувларига қизиқмоқдалар.

Анъанага айланган «Интилиш»

Навоий шаҳридаги «Суғдиёна» ўйингоҳида ўзига хос спорт байрами ўтказилди. Бу ерда «Интилиш» деб номланган спартакиада уюштирилиб, унда вилоятнинг барча шаҳар-қишлоқ, ташкилот ва муассаса жамоалари иштирок этди. Жами 23 спорт жамоасининг баҳсда қатнашгани спартакиаданинг муросасиз мусобақаларга бой бўлганидан нишонадир. Беллашувлар эса спортнинг сузиш, волейбол, баскетбол, минифутбол, теннис, енгил атлетика турлари бўйича уюштирилди. Тўққиз кун давом этган спартакиадада «Интилиш»нинг бош соврини вилоят жисмоний тарбия ва спорт жамоасига насиб этди. Вилоят халқ таълими бошқармаси билан вилоят газ бошқармаси жамоалари иккинчи, учинчи ўринларни эгалладилар. Муҳими «Интилиш» бундан буён анъанавий равишда ўтказиладиган бўлди.

Пўлат ЎТКИРОВ

ДИҚҚАТ: КИМОШДИ САВДОСИ

Давлат мулки қўмитасининг Тошкент шаҳар Бошқармаси ҳузуридаги Ер участкалари ва турар-жойларни хусусийлаштириш хўжалик ҳисобидаги маркази Тошкент шаҳридаги автотранспорт воситаларини сотиш бўйича очиқ кимошди савдолари ўтказилишини эълон қилади!

Кимошди савдолари 1999 йилнинг 24 ва 31 август кунлари эрталаб соат 10.00 ўтказилади.

Кимошди савдоларига қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилади:

Русуми	Чиққан йили	Бошланғич нархи, сўм
I. Тошкент шаҳар Давлат солиқ бош бошқармасига тегишли: Манзили: Тошкент ш. Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 79-а уй.		
Тико SX	1995	420205
Тико	1996	504246
ЕРАЗ - 762 ВИ	1987	64530
РАФ - 2203-01	1993	380132
ВАЗ - 21074	1996	589917
ВАЗ - 21061	1996	598592
ВАЗ - 21061	1992	511840
ВАЗ - 21063	1992	520515
ГАЗ - 31029	1992	483566
ГАЗ - 31029	1992	418609
ГАЗ - 31029	1995	454696
ГАЗ - 31029	1995	454696
ГАЗ - 31029	1994	311392
II. Соқлиқни сақлаш бошқармасининг махсуслаштирилган автокорхонасига тегишли: Манзили: Тошкент ш. А.Икромов тумани Турсунқулов кўчаси, 34.		
М-21412	1991	60721

Кимошди савдосига вақтида ариза берган, керакли ҳужжатларни тақдим этган, белгиланган тартибда хусусийлаштирилаётган объектнинг бошланғич нархини 10%дан иборат бўлган гаров бадалини тўлаган юридик ва жисмоний шахслар қўйиладилар.

Кимошди савдосида ғолиб чиқмаган қатнашчиларга гаров бадали кимошди савдосининг якуний баённомаси имзолангандан кундан бошлаб 10 кун давомида тўла-тўкис қайтарилади.

ТЎЛОВ ШАКЛЛАРИ: Юридик шахслар учун — пул ўтказиш йўли билан; Жисмоний шахслар учун — нақд пул тўлаш ёки банкдаги шахсий ҳисобларидан пул ўтказиш йўли билан.

Кимошди савдосида қатнашиш учун аризалар якшанбадан ташқари ҳар куни, соат 9.00 дан соат 18.00 гача, шанба куни соат 9.00 дан соат 13.00 гача Тошкент ш. Шайхонтоҳур тумани, А.Қодирий кўчаси 13-уй 2-хона, кимошди савдосини ўтказиш ҳайъатида қабул қилинади.

Бу ерда Сизни қизиқтираётган барча саволлар бўйича маслаҳат олишингиз мумкин. Бизнинг телефон: 144-51-84.

Аризалар қабул қилиш кимошди савдосининг бошланишига бир соат қолганда тугатилади.

Кимошди савдоси қуйидаги манзилда ўтказилади: Абдулла Қодирий кўчаси, 13-уй. Кимошди савдоларини ўтказиш зали.

Ҳурматли юртдошлар!

«Ўзбекбирлашув» ва «Матлуботсавдо» ҳудудий акциядорлик компаниялари 1999 йилнинг 5 августидан 10 сентябригача Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларнинг барча туманларида янги ўқув йили муносабати билан

«Мактаб бозорлари»

ташкил этади

Сизлар ушбу

«Мактаб бозорлари»дан

ўқув қуроллари, адабиётлар ва дарслик китоблари ҳамда 20 фоизгача

арзонлаштирилган нархларда болалар кийим-кечаклари, пойабзаллари ва бошқа саноат молларини харид қилишингиз мумкин.

Мактаб бозорларига хуш келибсиз, азиз дўстлар!

«АЛАН СЕРВИС» АЖ

барча турдаги тракторлар эҳтиёт қисмларини таклиф этади

Дўконимизда ҳамиша Т-28, МТЗ-80, «Алтай» ва бошқа русумли тракторларнинг 500дан ортиқ эҳтиёт қисмлари пул ўтказиш йўли билан сотилади

Манзил: Тошкент шаҳри, Жаркўрғон кўчаси, 43-уй, «Сельхоззапчасти» дўкони. Телефон: (3712) 96-63-21.

Тошкент шаҳар Ҳамза тумани «Шомирза авлоди» хусусий фирмаси

ТУГАТИЛИШИ

муносабати билан даъволар 1 ой ичида қабул қилинади

Тел: 180-77-68

Тошкен шаҳар Миробод туманидаги «Ўзйўллойиҳа» ЛҚИ

ТУГАТИЛАДИ

Даъво ва эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида қабул қилинади.

Телефонлар: 136-15-82, 137-26-01.

Ҳафталик кўрсатувлар

ДУШАНБА 16

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00-8.40 «Таҳлилнома».
8.40 Шарқ тароналари.
9.05 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
9.35 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 8 йиллигига: «Кино янгиликлари». II Ўзбекистон фильмлари миллий фестивали.
10.00, 12.00, 14.00,18.00 — Янгиликлар.
Болаларнинг ёзги таътил кунларида:
10.05 «Сеними, шошмай тур». Мультсериал.
10.25 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
10.45 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 8 йиллигига: «Буюк келажак — ёшлар қўлида».
11.45 «Ўзбекистон спортининг нуфузи».
12.05 «Таъсис» дастури намойиш этади: «Табиат хавф остида» туркумидан «Ёвойи Вилли».
12.35 «Иқтисод ва биз».
13.00 «Оталар чойхонаси». Мусиқий-дам олиш дастури.
14.10 Кундузги сеанс: «Қонли тош». Бадиий фильм.
15.30 Ватан тимсоллари.
15.35 Ўзбекистон телерадиокомпанияси мақомчилар жамоасининг концерти.
16.00 Нақадар тотли сўз «Озодлик». «Ганди». Бадиий фильм. 2-серия.
17.30 «Ўзбекистон фуқароси».
17.55 Ватан тимсоллари.
18.10 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Менинг Шотландиялик дўстим». Болалар учун бадиий видеофильм премьераси. 1-қисм.
18.40 «Икки дил таронаси». Мусиқий дастур.
19.05 «Мувозанат». Ахборот-таҳлилий кўрсатув.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 22.20 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 8 йиллигига: «Истиқлол нашидаси».
21.15 «Муҳаббат соғинчи». Мусиқий дастур.
21.40 «Маънавият» дастури.
22.25 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 73-қисм.
23.15 «Ахборот».
23.45 «Ошиқ Ғариб». Бадиий фильм.
01.00-01.05 Ватан тимсоллари.

ТОШЛАР телеканали

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади. («Қувноқ учрашув», мультфильм).
18.40 «Ўзбекистон XXI аср сари» туркуми: «Буюк юрт фарзандиман».
18.55 «Истиқлол менинг тақдиримда».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Сурур». Мусиқий дастур.
19.40, 20.35, 23.25 Эълонлар.
19.45 «Кавинтон Кросс». Телесериал.
20.40 «Жаҳон». Халқаро шарҳ.
20.55 Мусиқий лаҳзалар.
21.00 «Давр». Ахборот дастури.
21.30 «Муносабат».
21.55 «Душанбада кўришгунча».
22.00 Мустақилликнинг 8 йиллигига. «Ўзбекистон — Ватаним маним».
22.20 «Ў,ёшлигим».
22.40 Мустақилликнинг 8 йиллигига. «Премьерадан сўнг». Бухородаги ўзбек миллий фильмлари кинофестивали. 1-кўрсатув.
23.05 «Олам футболи».
23.30 Синема. «Инспектор Морз».
01.15 «Шарқ эстрадаси».
01.30 «Хайрли тун!»

ТНТ

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00, 21.30, 22.30, 23.30 «Пойтахт». Ахборот курсатуви.
18.10 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.20 «Сен ҳақингда ва сен учун».
18.40 «Шаҳарлик фариштa». Телесериал.
19.15 «Табриклаймиз, қутлаймиз».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Бурч ва маъсулият».
20.15 Телефакт.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Халқ саломатлиги йўлида».
21.45 «Спорт-тайм».
22.10 «Биз Сизга бахт тилаймиз».
22.45 «Морена Клара». Телесериал.
23.45 Оҳанглар ва эълонлар.
23.55 Саргузашт фильмлар экрани.
01.30 «Хайрли тун, шаҳрим!»

4V

Россия жамоат телевидениеси.
15.05 Кўрсатувлар тартиби.
15.10 «СНН. Жаҳон янгиликлари» (инглиз тилида)
15.40 «Дурдаршан».
16.00 «Севги йўлида». Телесериал.
17.00 «Мультчархпалак».
14.00-15.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.
17.15 «Аралаш». Ҳажвий киножурнал.
17.40 Душанба куни Познер билан. «Биз» дастури.
18.20 «Интернет ҳудуди».
18.35 Клип-антракт.
Россия жамоат телевидениеси.
18.40 «Ёш Екатерина» тарихий фильми. 1-серия.
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.35 «Федерал полицияси». Телесериал.
21.20 «Оламда нима гап?» Ахборот кўрсатуви.
21.25 «Дил изҳори».
21.30 «ТВ-4да Немис тўлкини».
21.50 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 8 йиллигига. «Эътироф».
22.00 «Вести».
22.35 Киносеанс. «Қирол Георгнинг телбалиги». Бадиий фильм.
00.15 «Ахборот» (рус тилида)
00.40 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30 канал

Соат 15.00 га қадар профилактика.
15.05, 18.00, 19.50, 00.30 — «ТВ-ҳамкор», «Метеохабар».
15.30 «Эсдалик учун дастхат». Мусиқий дастур.
16.00 «Карапуз-ТВ».
16.25 «Фақат хотин-қизлар учун». Тележурнал.
16.50 «Айбдорлик». Телесериал (Мексика).
17.35 «VIP» студиясининг меҳмони».
17.50 «Хит-коктейль».
18.25 «Ошиқона». Мусиқий дастур.
18.40 «30-канал»да премьера. «Олтин қафас». Телесериал (Мексика).
19.25 Спорт шарҳи.
20.20 «Клип-совға».
21.30 «30-канал»да кинооқшом.
23.15 «Комиссар Лиа Зоммер». Телесериал (Германия).
24.00 «XL-music». Мусиқий-дам олиш дастури.С

СЕШАНБА 17

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.45 «Қалб ардоғида». Ғанижон Тошматов.
9.10 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 73-қисм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 Янги алифбони ўрганамиз.
10.25 «Оламга саёҳат».
Болаларнинг ёзги таътил кунларида:
10.45 «Сеними, шошмай тур». Мультсериал.
11.05 «Мактублар — кабутарлар».
11.35 «Бешбармоқ».Тележурнал.
12.05 «Таъсис» дастури намойиш этади: «Табиат хавф остида» туркумидан. «Африканинг паркулоқ лочини».
12.35 «Маънавият» дастури.
13.15 «Зарблар сеҳри». Мусиқий дастур.
13.40 «Фермер». Телетанлов.
14.10 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Менинг Шотландиялик дўстим». Болалар учун бадиий видеофильм. 1-қисм.
14.40 «Шоҳруҳ» клуби.
15.10 «Оқибат».
15.30 Эстрада тароналари.
16.00 Ватан тимсоллари.
16.05 «Иф қалъасининг маҳбуси». Интиқом. Бадиий фильм. 3-серия.
17.40 «Бугуннинг аёли».
18.10 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Менинг Шотландиялик дўстим». Болалар учун бадиий видеофильм премьераси. 2-қисм.
18.40 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 8 йиллигига: «Шарқдан нур». Аҳмад ал-Фарғоний.
19.05 «Бинокор».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.55 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Зиё».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 8 йиллигига: «Истиқлол нашидаси».
21.15 «Ўзбекистон бастакорлари». Б. Лутфуллаев.
22.00 «Қизлар давраси».
23.10 «Ўзлигинг намоён қил!». Экранда — Наманган вилояти.
23.45 «Ахборот».
00.15 «Амир Темур». Видеофильм. 1-қисм.
01.15-01.20 Ватан тимсоллари.

ТОШЛАР телеканали

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 73-қисм.
18.55 «Истиқлолни куйлайман».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Истиқлол қайтарган номлар: Амир Темур».
19.50, 20.45, 22.45 Эълонлар.
20.00 «Кавинтон Кросс». Телесериал.
20.50 «Сарвиноз». Мусиқий дастур.
21.00 «Давр». Ахборот дастури.
21.30 Мустақилликнинг 8 йиллигига: «Ўзбекистон — Ватаним маним».
21.35 «02» тўлқинида». «Осойишталик фидойилари».
21.50 Мустақилликнинг 8 йиллигига. «Истиқлол қўшиқлари».
22.00 «Парламент». Олий Мажлис XV сессияси олдидан.
22.15 Мустақилликнинг 8 йиллигига: «Премьерадан сўнг». 2-кўрсатув.
22.40 «Ёшлар» телеканалида.
22.50 Синема: «Эҳтирос ва жаннат». Мелодрама
01.30 «Янги тонг».

ТНТ

17.55 Кўсатувлар дастури.
18.00, 21.30, 22.30, 23.30 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.10 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.25 Сен ҳақинда ва сен учун».
18.40 «Шаҳарлик фариштa». Телесериал.
19.15 «Табриклаймиз, қутлаймиз».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 8 йиллигига. «Ёшлар ҳудуди».
20.30 «Ахборот».
21.05 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 8 йиллигига. «Сухбатдош».
21.45 «Туризм ҳақида». Ҳафталик шарҳ.
22.15 «Спорт оламида».
22.45 «Морена Клара» . Телесериал.
23.45 Оҳанглар ва эълонлар.
23.55 Кинонигоҳ.
01.30 «Хайрли тун, шаҳрим!»

4V

Россия жамоат телевидениеси.
6.30-8.00
14.00-15.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.
15.05 Кўрсатувлар тартиби.
15.10 «СНН. Жаҳон янгиликлари» (инглиз тилида)
15.40 «Бинафша».
16.00 «Севги йўлида». Телесериал.
17.00 «Мультчархпалак».
Россия жамоат телевидениеси.
17.15 «Каламбур». Юмористик журнал.
17.40 «Мавзу».
18.20 «Бу ажиб дунё».
18.35 Клип-антракт.
Россия жамоат телевидениеси.
18.40 «Ёш Екатерина». 2-серия.
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.35 «Федерал полицияси». Телесериал.
21.20 «Оламда нима гап?» Ахборот кўрсатуви.
21.25 «Дил изҳори».
21.30 «Спорт-клуб».
21.45 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 8 йиллигига. «Келажак ҳақида ўйлар».
22.00 «Вести».
22.30 Кинематограф. «Севги ҳақида афсона». Бадиий фильм.
00.40 «Ахборот» (рус тилида)
01.05 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30 канал

9.05 «Мусиқий тонг». Мусиқий-дам олиш дастури.
9.30 «Даракчи». Дам олиш дастури.
10.00, 13.45, 18.00, 19.50, 00.30 — «ТВ-ҳамкор», «Метеохабар».
10.30 «Морена Клара». Телесериал (Венесуэла).
11.20 Тонгги киносеанс.
13.00 «Кичик шаҳардаги дўзах». Телесериал (Мексика).
14.10 Кундузги киносеанс.
15.30 Мусиқий дастур.
16.00 «Карапуз-ТВ».
16.25 «Фақат хотин-қизлар учун». Тележурнал.
16.50 «Айбдорлик». Телесериал.
17.35 «VIP» студиясининг меҳмони».
17.50 «Хит-коктейль».
18.25 «Ошиқона». Мусиқий дастур.
18.40 «Олтин қафас». Телесериал.
19.25 «Висол». Мусиқий дастур.
20.20 «Клип-совға».
21.30 «30-канал»да кинооқшом.
23.15 «Комиссар Лиа Зоммер». Телесериал.
24.00 «Мусиқий вернисаж». Мусиқий-дам олиш дастури.

ЧОРШАНБА 18

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.45 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 8 йиллигига: Телевизион фильмлар кўриги. «Тўй либослари».
9.05 Шарқ тароналари.
9.35 «Бу ҳам кино». Телесериал. 11-серия.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Инсон — ҳаёт гултожи».
Болаларнинг ёзги таътил кунларида:
10.25 «Сеними, шошмай тур». Мультсериал.
10.45 «Қувноқлар даврасида».
11.10 «Шоирлар — болаларга».
11.40 «Илм ўзликни билмакдир».
11.55 Ватан тимсоллари.
12.05 «Таъсис» дастури намойиш этади: «Табиат хавф остида» туркумидан. «Мешкобқуш ва океан».
12.35 «Остонаси тиллодан». Адабий кўрсатув.
13.15 «Жаҳон спорти».
13.30 «Ракслар гулдастаси».
14.10 «Ўзбектелефильм» намойиш этади. «Менинг Шотландиялик дўстим». Болалар учун бадиий видеофильм. 2-серия.
14.40 «Талаб ва таклиф».
15.00 «Мухлис ёҳуд кўшик изидан...». Мусиқий дастур.
15.35 «Умид ўчкунлари». Тележурнал.
16.00 «Аёл портрети». Бадиий фильм.
17.35 Ватан тимсоллари.
17.40 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 8 йиллигига: «Юрт ўғлонлари».
18.10 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Менинг Шотландиялик дўстим». Болалар учун бадиий видеофильм премьераси. 3-қисм.
18.40 «Кўзгу». Тележурнал.
18.50 «Ҳиммат».
19.10 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 8 йиллигига: «Таянч нуқтаси».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 22.15 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Таълим-тарбия миллий дастури амалда».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 8 йиллигига: «Истиқлол нашидаси».
21.15. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XV сессияси олдидан «Парламент соати».
21.35 Санъат усталари ва ёш ижрочилар концерти.
22.20 «Тараққиёт йўли».
«Умид» намойиш этади:
22.40 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 8 йиллигига: «Буюк келажак — ёшлар қўлида».
23.40 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 74-қисм.
00.05 «Ахборот».
00.35 «Амир Темур». Видеофильм. 2-қисм.
01.35-01.40 Ватан тимсоллари.

ТОШЛАР телеканали

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Тасис» дастури намойиш этади: «Гиппопотам».
18.35 «Семург».
18.50 «Ёшлар» телеканалида.
18.55 Мусиқий лаҳзалар.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Дил рози». Мусиқий дастур.
19.40 «Ракурс».
20.00 «Спорт-лотто».
20.10 «Лаззат».
20.30, 22.40 Эълонлар.
20.35 Мусиқий лаҳзалар.
20.45 «Каталог».
20.55 «Ёшлар» телеканалида.
21.00 «Давр». Ахборот дастури.
21.30 «Менинг орзуим».
21.35 «Спектаклдан сўнг».
21.55 Мустақилликнинг 8 йиллигига. «Бахс».
22.20 Танишинг: «Тож» гуруҳи.
22.35 «Ёшлар» телеканалида.
22.45 Синема. «Иккитаси кўплик қилади». Комедия.
00.35 «Хит-коллекция».
00.50 «Хайрли тун!»

ТНТ

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00, 21.30, 22.30, 23.30 «Пойтахт» . Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.20 «Шаҳарлик фариштa». Телесериал.
19.00 «Осойишталик фидойилари».
19.15 «Табриклаймиз, қутлаймиз».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 8 йиллигига. «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
20.20 «Маънавият хазинаси». «Манзарали фильм».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Тоғларнинг гули ўзгача», «Фасли ёз». Телефильмлар.
21.45 «Авиа олами».
22.15 Эстрада концерти.
22.45 «Морена Клара». Телесериал.
23.45 Оҳанглар ва эълонлар.
23.55 Кинонигох.
01.30 «Хайрли тун, шаҳрим!»

4V

Россия жамоат телевидениеси.
6.30-8.00
14.00-15.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.
15.05 Кўрсатувлар тартиби.
15.10 «СНН. Жаҳон янгиликлари» (инглиз тилида)
15.40 «Мюзик-холл».
16.00 «Севги йўлида». Сериал.
17.00 «Мультчархпалак».
Россия жамоат телевидениеси.
17.15 «Яхшиларнинг сараси».
17.35 «Инсон ва қонун».
18.15 «Спорт-клуб».
18.30 Клип-антракт.
Россия жамоат телевидениеси.
18.35 «Ёш Екатерина». 3-серия (Якунловчи серия)
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.35 «Федерал полицияси». Телесериал.
21.20 «Оламда нима гап?»
21.25 «Дил изҳори».
21.40 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 8 йиллигига. «Сизнинг адвокатингиз».
22.00 «Вести».
22.30 Оскар мукофоти 1960 йил. М. Монро «Жазда фақат қизлар» фильмида.
00.05 «Ахборот» (рус тилида)
00.30 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30 канал

9.05 «Мусиқий тонг». Мусиқий-дам олиш дастури.
9.30 «Даракчи». Дам олиш дастури.
10.00, 13.45, 18.00, 19.50, 00.30 — «ТВ-ҳамкор», «Метеохабар».
10.30 «Морена Клара». Телесериал
11.20 Тонгги киносеанс.
13.00 «Кичик шаҳардаги дўзах». Телесериал.
14.10 Кундузги киносеанс.
15.30 Мусиқий дастур.
16.00 «Карапуз-ТВ».
16.25 «Фақат хотин-қизлар учун». Тележурнал.
16.50 «Айбдорлик». Телесериал.
17.35 «VIP» студиясининг меҳмони».
17.50 «Хит-коктейль».
18.25 «Ошиқона». Мусиқий дастур.
18.40 «Олтин қафас». Телесериал.
19.25 Спорт шарҳи.
20.20 «Клип-совға».
21.30 «30-канал»да кинооқшом.
23.15 «Комиссар Лиа Зоммер». Телесериал.
24.00 «Интернет-кафе». Дам олиш дастури.

ПАЙШАНБА 19

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.45 «Армуғон». Мусиқий дастур.
9.15 «Қишлоқ стадионларида».
9.35 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 74-қисм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 Япон тили.
Болаларнинг ёзги таътил кунларида:
10.25 «Сеними, шошмай тур». Мультсериал.
10.45 «Санъат ғунчалари».
11.10 «Эртаклар — яхшиликка етаклар».
12.05 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Менинг Шотландиялик дўстим». Болалар учун бадиий видеофильм. 3-қисм.
12.35 «Инсон ва замин». Тележурнал.
13.00 «Ҳамоҳанг қалблар». Мусиқий дастур.
13.35 Ватан тимсоллари.
13.40 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 8 йиллигига: «Юртим жамоли».
14.10 «Тўпсиз футбол». Шоу дастури.
14.35 «Уйғоқ қўнлар». Кинокўрсатув.
15.00 «Фан — тараққиёт негизи».
15.20 Ватан тимсоллари».
15.25 «Жавоҳирлар хазинаси». Адабий кўрсатув.
16.00 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 8 йиллигига. Телевизион фильмлар кўриги: «Ватан туйғуси».
16.25 «Янги авлод».
16.45 Футбол бўйича Ўзбекистон ва Озорбайжон миллий терма жамоаларининг халқаро ўртоқлик учрашувидан репортаж.
17.30 «Қуйлардан қўшиқларга».
18.10 Болалар учун. «Доно бобо даврасида».
18.25 «Сўнгги пушаймон».
18.40 1999 — Аёллар йили. «Ажаб саодат эрур».
19.00 «Ҳидоят сари».
19.25, 20.25, 21.00, 23.10 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
19.55 «Юзма-юз».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 8 йиллигига: «Истиқлол нашидаси».
21.15 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XV сессиясида.
22.35 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 8-йиллигига. «Ўзбекистон-Ватаним маним». Мусиқий дастур.
23.15 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 8 йиллигига. «Сомон йўли».
23.45 «Ахборот».
00.15 «Қушларга эргашган инсон». Бадиий фильм.
01.40-01.45 Ватан тимсоллари.

ТОШЛАР телеканали

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 74-қисм.
18.30 «Тасис» дастури намойиш этади: «Тито ва унинг ҳайвонот боғи».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Истиқлол қайтарган номлар: Сарбадорлар».
19.50, 20.40, 23.20 Эълонлар.
19.55 «Кавинтон Кросс». Телесериал.
20.45 «Давр»-интервью.
20.55 «Истиқлол менинг тақдиримда».
21.00 «Давр». Ахборот дастури.
21.30 «Ёшлик формуласи». Ёшлар ва экология.
21.45 «Энг улуғ, энг азиз» танловига: Ўтган қунлар.
22.10 Мусиқий лаҳзалар.
22.15 Мустақилликнинг 8 йиллигига. «Камолот».
22.30 «Мутойиба».
22.50 «Ёшлар» телеканалида.
22.55 «Мусиқий глобус».
23.25 Синема. «Киёнат устига хиёнат».
00.55 «Спорт қитъаси».
01.25 «Хайрли тун!»

ТНТ

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00, 21.30, 22.30, 23.30 «Пойтахт» . Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.20 «Шаҳарлик фариштa». Телесериал.
19.00 Тошкент ва тошкентликлар.
19.15 «Табриклаймиз, қутлаймиз».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Ханда дўкони».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Армуғон». Мусиқий дастур.
21.45 «Юксалиш».
22.15 «Ҳазрат Усмон Қуръони». Телефильм.
22.45 «Морена Клара». Телесериал.
23.45 Оҳанглар ва эълонлар.
23.55 Кинонигоҳ.
01.30 «Хайрли тун, шаҳрим!»

4V

Россия жамоат телевидениеси.
6.30-8.00
14.00-15.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.
15.05 Кўрсатувлар тартиби.
15.10 «СНН. Жаҳон янгиликлари»(инглиз тилида)
15.40 «ТВ 4да Немис тўлкини».
16.00 «Севги йўлида», Сериал.
17.00 Мультчархпалак».
17.15 «Маски-шоу».
17.45 «Жейн хоним». Бадиий фильм.
Россия жамоат телевидениеси.
19.45 Ҳайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.35 «Федерал полицияси». Телесериал.
21.20 «Оламда нима гап?» Ахборот кўрсатуви.
21.25 «Дил изҳори».
21.30 «СНН -шоу».
21.45 «Кино сайёраси».
22.00 «Вести».
22.30 Кинематограф. Робин Уильямс «Флобер» фильмида.
24.00 «Ахборот» (рус тилида)
00.25 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30 канал

9.05 «Мусиқий тонг». Мусиқий-дам олиш дастури.
9.30 «Таниш чеҳралар». Мусиқий дастур.
10.00. 13.45, 18.00, 19.50, 00.30 — «ТВ-ҳамкор», «Метеохабар».
10.30 «Морена Клара». Телесериал.
11.20 Тонгги киносеанс.
13.00 «Кичик шаҳардаги дўзах». Телесериал.
14.10 Кундузги киносеанс.
15.30 «Объективда ҳайвонлар». Ҳужжатли сериал.
16.00 «Карапуз-ТВ».
16.25 «Фақат хотин-қизлар учун». Тележурнал.
16.50 «Айбдорлик». Телесериал.
17.35 «VIP» студиясининг меҳмони».
17.50 «Хит-коктейль».
18.25 «Ошиқона». Мусиқий дастур.
18.40 «Олтин қафас». Телесериал.
19.25 «Висол».
20.20 «Клип-совға».
21.30 «30-канал»да кинооқшом.
23.15 «Комиссар Лиа Зоммер». Телесериал.
24.00 «Дўстлар даврасида». Мусиқий-дам олиш дастури.

ЖУМА 20

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.45 «Севги васфи». Мусиқий дастур.
9.15 «Устоз».
9.35 «Бу ҳам кино». Телесериал. 11-серия.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Меҳригиё».
Болаларнинг ёзги таътил кунларида:
10.25 «Сеними, шошмай тур». Мультсериал.
10.45 «Кичкинтоймиз — гижингтоймиз».
11.05 «Ишқнома». Адабий кўрсатув.
11.30 «Сомон йўли».
12.05 Украина фильмлари ҳафталиги. «Олтин занжир». Бадиий фильм.
13.30 «Мусиқа билан сирлашиб».
14.10 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 8 йиллигига: «Мен туғилган тупроқ».
14.30 Шарқ тароналари.
14.50 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи почтасидан».
15.35 «Зийнат».
15.55 Ватан тимсоллари.
16.00 «Қайнона». Бадиий фильм.
17.15 «Ха, ха, ха». Хазил, хажв, хангома.
17.40 «Қалқон».
18.10 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 8 йиллигига. «Бир сиқим тупроқ».
18.30 «Чемпион билан учрашув». Спорт дастури.
18.45 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 8 йиллигига: «Шарқдан нур». Паҳлавон Маҳмуд.
19.05 «Ислоҳот ва масъулият».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XV сессиясида.
22.35 «Шарқ тароналари». II Халқаро мусиқа фестивали олдидан.
23.10 «Оила». Тележурнал.
23.40 «Ахборот».
00.10 «Осетия афсонаси». Бадиий фильм.
01.30-01.35 Ватан тимсоллари.

ТОШЛАР телеканали

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади. («Дунё ва болалар», мультфильм).
18.35 «Қизим сенга айтаман...».
18.55 «Мусиқий лаҳзалар».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Далил ва шарҳ». Олий Мажлис XV сессияда.
19.40, 20.35, 23.05 Эълонлар.
19.45 «Кавинтон Кросс». Телесериал.
20.40 «Саломат булинг». 8-курсатув. «Ёшлар ва тамаки».
21.00 «Давр». Ахборот дастури.
21.30 «Менинг орзуим».
21.35 «Ўзбекистон XXI аср сари» туркумида: «Аср киёфаси».
21.55 Мустақилликнинг 8 йиллигига. «Талабалар шаҳарчаси».
22.10 «Наволарда аён этсам...». Мусиқий дастур.
22.20 «Жаҳолат бекати».
22.35 Мустақилликнинг 8 йиллигига: «Шукрона».
22.45 «Автосалтанат».
23.00 «Ёшлар» телеканалида.
23.10 Синема. «Спартак».
02.00 «Мунаввар тонг истаб».

ТНТ

8.45 Кўрсатувлар дастури.
8.50 «Ёрилтош». Мульттўплам.
9.10 «Кунгил тароналари».
9.30 Болажонлар экрани.
11.10 «Ханда дўкони».
11.35 Кинонигоҳ.
13.10 «Хотира». Ўзбекистон халқ артисти Н. Ахмедова.
13.35 «Спорт оламида».
13.50 Х. Қосимов, А. Слонин. «Наврўзбекнинг саргузаштлари». А. Навоий номидаги опера ва балет театрининг спектакли.
14.40-14.55 «Пойтахт» Ахборот кўрсатуви.

***

17.55 Курсатувлар дастури.
18.00, 21.30, 22.30, 23.30 «Пойтахт» . Информацион курсатув.
18.10 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.30 «Шаҳарлик фариштa». Телесериал.
19.15 «Табриклаймиз, қутлаймиз».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Ўзтелерадиокомпанияси эстрада симфоник оркестрининг концерти.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Чуст жилолари». Телефильм.
21.45 «Ракслар жилоси».
22.15 Катталар учун эртак.
22.45 «Морена Клара». Телесериал.
23.45 Оҳанглар ва эълонлар.
23.55 Кинонигох.
01.30 «Хайрли тун, шаҳрим!»

4V

Россия жамоат телевидениеси.
6.30-8.00
14.00-15.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.
15.05 Кўрсатувлар тартиби.
15.10 «СНН. Жаҳон янгиликлари» (инглиз тилида)
15.40 «СНН-шоу».
15.55 Клип-антракт.
16.00 «Севги йўлида». Сериал.
17.00 «Мультчархпалак».
Россия жамоат телевидениеси.
17.15 «Джентльмен-шоу».
17.45 «Уорлднет» янгиликлари.
17.55 «99 йил қўшиқлари».
Россия жамоат телевидениеси.
18.15 Ҳужжатли детектив. Генерал Калугин иши. 1999 йил.
18.45 «Мўъжизалар майдони».
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 Время.
20.35 «Федерал полицияси». Телесериал.
21.20 «Оламда нима гап?» Ахборот кўрсатуви.
21.25 «Дил изҳори».
21.30 «Дурдаршан».
21.50 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 8-йиллигига. «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган».
22.00 «Вести».
22.30 Кинонинг олтин асри. «Амадей».
01.00 «Ахборот» (рус тилида)
01.25 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30 канал

9.05 «Мусиқий тонг». Мусиқий-дам олиш дастури.
9.30 «Даракчи». Дам олиш дастури.
10.00, 13.45, 18.00, 19.50, 01.40 — «ТВ-ҳамкор», «Метеохабар».
10.30 «Морена Клара». Телесериал.
11.20 Тонгги киносеанс.
13.00 «Кичик шаҳардаги дўзах». Телесериал.
14.10 Кундузги киносеанс.
15.30 «Висол».
16.00 «Карапуз-ТВ».
16.25 «Фақат хотин-қизлар учун». Тележурнал.
16.50 «Айбдорлик». Телесериал.
17.35 «»VIP» студиясининг меҳмони».
17.50 «Хит-коктейль».
18.25 «Ошиқона». Мусиқий дастур.
18.40 «Олтин қафас». Телесериал.
19.25 Спорт шарҳи.
20.20 «Клип-совға».
21.30 «30-канал»да кинооқшом.
23.15 «Комиссар Лиа Зоммер». Телесериал.
24.00 «Бедорлик».

ШАНБА 21

6.30 «Ассалом,Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.50 «Янграсин шўх яллалар».
9.20 «Ҳидоят сари».
9.45 Ўзбекистон Республикасининг мустақиллигининг 8 йиллигига: «Истиқлол фидойилари». «Мунаввар кори». Ҳужжатли фильм.
10.00 «Ўзбекистон спортининг нуфузи».
10.15 Телевизион миниатюралар театри. «Кулгу дастаси».
«Умид» намойиш этади:
10.50 «Ўрзулар қанотида».
11.20 «Ғазалхон ёшлигим».
11.45 «Сайқал».
12.05 О. Ёқубов. «Авлодларга васият». Ю. Ражабий номидаги Жиззах вилоят драма театрининг спектакли.
13.55 1999 — Аёллар йили. «Санамлар саровари».
14.35 «Ринг». Спорт дастури.
15.00 Ватан тимсоллари.
15.05 «Ёзувчи ва замон».
15.30 Ёш хонандалар концерти.
16.00 Украина фильмлари ҳафталиги. «Бу шунака ўйин». Бадиий фильм.
17.35 Ватан тимсоллари.
17.40 Энг улуғ ,энг азиз танловига. «Озод ва обод юрт».
18.00 Болалар учун. «Фламинго».
18.25 «Иқтисод ва биз».
18.50 «Бахтли воқеа».
19.25, 19.55, 21.00, 22.10, Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 8 йиллигига. «Истиқлол нашидаси».
21.15 «Қишлоқ ҳаёти».
21.40 «Буюк келажак-2000». Телемарафон.
22.15 «Олам кўшиққа тўлсин». Мусиқий дастур.
23.00 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Пахтакор» (Тошкент) — «Насаф» (Қарши)
23.45 «Ахборот».
«Тунги ёғду». Дам олиш дастури.
00.15 Нақадар тотли сўз «Озодлик». «Бенхур». Бадиий фильм. 1-қисм.
01.50-01.55 Ватан тимсоллари.

ТОШЛАР телеканали

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Янги авлод» студияси намойиш этади.
9.50 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 73-қисм.
10.40 «Ёшлар» телеканалида.
10.45 «Сурур». Мусиқий дастур.
10.55 «Рей Брэдбери театри». Телесериал.
11.15 «О,ёшлигим».
11.35 «Истиқлол қайтарган номлар: «Машраб» Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли. 1-қисм.
12.30 «Танишин